O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 13-iyun • № 24 (3956)

ВОДИЙНИНГ УЙҒОҚ ЁЗИ

Водийга йўл олган киши Қамчиқ довонидан ўтиши биланоқ Ҳўқанди латифнинг назокатли нафасини ҳис этади. Катта чорраҳани безаб турган қўлбола бозорчага яқинлашганингизда, ҳайдовчи: "Бирор нима харид қиласизларми?" дегандай, машинани сал секинлатса бас, патир сотувчи аёлларнинг олдига қандай бориб қолганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. "Ака-йуу" деган ўктам овоз унча-мунча инжиқ одамни ҳам сеҳрлаб қўяди. Бозорча сахий ёз неъматлари — мева-чева, ҳиди иштаҳангизни қитиқлайдиган лўппи ҳандалаклар билан тўлиб кетган. Узоқ-узоқлардан гуриллаб ишлаётган комбайнларнинг овози эшитилади. Водий далаларида бугун буғдой ўрилмоқда. Буғдой ўрилаётган дала нақадар тароватли бўлади. Ўроқ тушган даланинг ёқимли бўйи вужудингизга сингади.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳамроҳларим — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир, водийда туғилиб ўсган шоир Турсун Али. Сафар режасига кўра фарғоналик ҳамкасбларимиз — ёзувчилар, санъаткорлар билан Данғарада учрашишимиз керак. Йўл шу қадар равон, ён-атроф шу қадар чиройлики, учрашув жойидан шувиллаб ўтиб кетибмиз. Ҳай-ҳайлаб, анча жойдан қайтариб келишди. Фарғона, Қўқон, Марғилон, Олтиариқда яшаб, ижод қилаётган дўстларимиз билан самимий кўришдик. Дастлаб Чимён қишлоғида мумтоз адабиётимизнинг атоқли намояндаларидан бири Хожаназар Ҳувайдо таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирда қатнашишимиз, у кишининг хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишимиз керак. Мушоира шу ернинг ўзида бошланиб кетди. Маҳмуд Тоир йўлнинг чап томонида Қўқон ўрмон хўжалиги ходимларининг меҳри билан шовуллаб ўсаётган теракларга тикилар экан, ушбу сатрларни тўқиди:

Дегим келди: сиз, эй ҳазрат,
Шеър гулханига шайдосиз.
Магар сизни йўқласам мен,
Дил осмонида пайдосиз.
Ҳар сатрида минг бир ҳикмат,
Ҳар сатрининг нури дарё,
Худо хушлаб қалам берган
Ҳувайдосиз, Ҳувайдосиз...".

Муҳаммад Али ҳаммамизга ёд бўлиб кетган, раҳматли Йўлдош Сулаймон тинимсиз такрорлайдиган мана бу мисраларни хиргойи қилди: "Муҳаббатдан муҳаббат бўлур пайдо, Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо". Сирожиддин куни кеча "Янги аср авлоди" нашриёти тандиридан узилган "Девон"ни варақлар экан, вужудини ҳаяжон босиб: "Эшитинглар-а, нима дебдилар Ҳувайдо ҳазратлари", дея ўқишни бошлади:

"...Бодаи ғафлат ичиб,
ҳеч бўлмадинг ҳушёр умр,
Маст хоб олуда бўлма,
қил ўзинг бедор умр.
Бу тирикликка ишонма,
айлағил зикри Худо,
Зоеъ этма бир нафасни,
қолса на миқдор умр...".

Бундан икки ярим аср аввал шоир бобомиз дилидан тўкилган бу гавҳар мисралар орадан шунча вақт ўтишига қарамай бугун ҳам, гўёки ҳозир айтилгандай жаранглаётгани, бугунги кун тарбиясига, одоб-ахлоқига хизмат қилаётгани кишини ҳайратга солади: "Бўлмаса ҳиммату ғайрат кишини ўзида ҳеч, Мурда дил одамига саъйу далолат на бўлур".

Давоми иккинчи бетда.

ҚАҲҲОР ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Ғазетхон мактуби

Жонажон юртимиз юраги ҳисобланган азим Тошкент шаҳри кундан-кун чирой очиб, яшариб бораётгани кўнглимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Янгидан қад ростлаётган гўзал иншоотлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётган бўлса, тарихий обидалар пойтахтнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилиб турибди.

Бундан бир йил муқаддам "Ватан фарзандлари — юрт келажаги" республика танловида қатнашиш мақсадида Тошкентга бориб, шу баҳона пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий ёдгорликларини зиёрат қилган эдим. Бу йил ҳам бу гўзал шаҳарга бориш насиб этди. Аммо бир йил ичида пойтахтнинг бу қадар ўзгаргани, тўғриси, мени ҳайратда қолдирди. Ўзининг 2200 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Тошкент дунёнинг энг фусункор шаҳарларидан қолишмайдиган қиёфа касб этибди.

Алишер Навоий номидаги боғда сайр қилиб юрарканман, Олий Мажлис биносининг шундоққина ёнида қўр тўкиб турган Абдулла Қаҳҳорнинг ҳайкалига кўзим тушди. Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси, устоз адибнинг бугунги доруломон замондан кўнгли тўлиб, хотиржам қиёфада ўтиргани қалбимга бир олам шодлик улашди.

Улуғ ёзувчининг асарларини мактаб кутубхонасидан, китоб дўконларидан олиб кўп бора ўқиганман. Унинг маҳоратига, чин сўзли эканига такрор-такрор тан берганман. Бежизга халқимиз Қаҳҳор ҳақида гап кетганда, "халқ виждони", "ҳақиқатгўй адиб" дея эсламайди. Мана, энди у кишининг қошида туриб, ич-ичимдан раҳмат дедим. Биз каби ёшларни ватан учун, эл-юрт учун чинакам қайғурадиган авлод қилиб тарбиялашда Қаҳҳордек қуюнчак адибларнинг хизмати катта бўлганини энди-энди тушуняпман.

Улуғ ёзувчи ҳайкали пойида шу каби ўйлар хаёлимдан ўтаркан, Абдулла Қаҳҳордек ўғлонлари бўлган миллат завол топмаслигига, юрт эса ҳамиша гуллаб-яшнашига имон келтирдим.

Жобир ИСМАТУЛЛАЕВ,
Косон туманидаги 11-ихтисослашган мактабнинг 10-синф ўқувчиси

Қирғизистон Республикаси Президенти Қ.С.Бакиев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Курманбек Солиевич,

Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти — оғир жудолик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.

Чингиз Айтматов воқеликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамиша дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.

Марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖОН ДЎСТИ ЭДИ

Қадрдош қирғиз халқининг улуғ фарзанди, атоқли замондошимиз, ўзбек халқининг севимли ёзувчиларидан бири, жаҳон адабиётининг таниқли намояндаси Чингиз Айтматовнинг вафоти ҳақидаги хабар вужудимизни ларзага солди.

Чингиз Айтматов ҳар бир ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Дастлабки йирик асари — "Жамила" қиссаси билан Мухтор Авезов, Луи Арагондек улуғ устозлар назарига тушди. "Биринчи ўқитувчи", "Момо ер", "Сарвқомат дилбарим", "Оқ кема", "Эрта қайтган турналар", "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" каби жаҳон қиссачилигининг нодир намуналарига айланган бетакрор асарлари билан дунёга танилди. "Бўронли бекат", "Кунда", "Кассандра тамғаси" ("Тавқи лаънат"), "Тоғнинг қулаши" ("Мангу келин") романлари жаҳон фалсафий романчилигини ўзига хос янги йўналиш билан бойитди.

Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига юксак бадиий савияда таржима қилинди ва халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолди. Замондош адиблар орасида ҳеч бир ёзувчининг асарлари ўзбек адабиётида бу қадар кенг шуҳрат қозонмаган, десак муболаға бўлмайди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқининг садоқатли дўсти, асл биродари эди. Унинг халқимиз шаънига айтган самимий дил сўзлари, Миртемир, Зулфияхоним, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберген Қаипбергенов, Абдулла Орипов ва бошқалар ижодига доир юксак эътирофи ҳали-ҳануз ёдимизда, дилимизда. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари, мустабид шўро тузуми жон таслим қилаётган бир пайтда, "ўзбек иши" деб аталган ноҳақ маломатларга қарши айтган жасоратли сўзлари, ўзбек маданиятини қадимий Византия маданияти билан қиёслаб ёзган оташин публицистик мақоласи ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Чингиз Айтматов муҳтарам Президентимиз Фармони билан "Буюк хизматлари учун" орденига сазовор бўлди. У қардош халқлар адабиётлари намояндалари орасида ушбу улуғ мукофотга мушарраф бўлган ягона адиб эди. Чингиз оға оғир хасталикка чалинганида давлатимиз раҳбари унга мактуб йўллаб, кўнгил сўраган, бу улуғ инсонга ўзининг, халқимизнинг эҳтиромини ифода этган эди.

Халқимизнинг шаён-шавкатини баланд тутган доврўқли замондошимиз, қардош қирғиз халқининг асл фарзанди, жаҳон адабиётининг улкан намояндаси Чингиз Айтматовнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимиз тўрида яшайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

"ОЛИМП САРИ ЙЎЛ" ВИКТОРИНАСИ ЯКУНЛАНДИ

XXIX Олимпиада ўйинлари алангаси қадим Олимпиядан Пекинга келтирилган куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан "Олимп сари йўл" викторинаси ва оммавий ахборот воситалари учун танлов эълон қилинган эди.

"Мазкур викторина ва танлов қатнашчилари бўлажак йирик форум ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар, Пекин ва бошқа шаҳарларда олимпиадага тайёргарликнинг бориши ҳақида газета-журналларда ва радио-телевидениеда қизиқарли материаллар берадилар. Юртингиз олимпиадачилари учун бизнинг қадрдон еримиз омад келтиришига ишонаман", — деган эди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юй Хуанцзин.

— Тадбирни қўллаб-қувватлаган барча оммавий ахборот воситаларидан миннатдормиз, — деди Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ижрочи директори Санжар Жабборов. — Бизга хат йўллаганларнинг энг ёши 10, энг каттаси 84 ёшда. Албатта, саволларга жавоб йўллаш учун вақт етарли. Бироқ масаланинг мураккаб томони шунда эдики, саволлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг нуфузли органи бўлган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасидан тортиб, "Тонг юлдузи", "Ғунча", "Класс" каби болалар нашрларида эълон қилинди. Эҳтимол, саволларнинг кўплаб нашрларга сочиб юборилгани баъзан мураккаблик туғдиргандир. Лойиҳа муаллифи ва ташкилотчиларнинг бундан кўзлаган мақсадлари мазкур акция қатнашчилари доирасини кенгайтириш эди.

Ўйлашимча, викторина ва танлов ғолиблари учун таъсис этилган мукофотлар қатнашчиларнинг турли нашрларни сотиб олиш учун вақт сарфлашларига арзийди. Ҳар ким саволларга қучи етганича жавоб йўллаган. Кўп изланганлар, музейлар, театрлар, таҳририятлар ва олимлар ҳузурида бўлиб, саволларга аниқ жавоб топганлар ҳам бор.

— **Қандай мукофотлар ўз эгаларини кутаётгани кўпчиликни қизиқтириши табиий.**

— Пекинга иккита йўлланма, фақат Олимпиададан сўнг борилади, ноутбуклар, фотоаппаратлар, энг сўнгги моделдаги уяли телефонлар, ташкилотларнинг алоҳида совғалари ҳам бор.

Билағонлар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этгани бизни жуда қувонтирди. Ахир, "Ёшлар йили"-ку бу йил. Шу ўринда Хитой филологияси мутахассислигига ўқиётганлар учун жавоб топиш жараёни осон кечган, деб ўйловчилар хато қиладилар. Чунки олимпиадага, хитой-ўзбек халқлари алоқаларига, санъати, маданияти, тарихига бағишланган кўплаб мураккаб саволлар бор эди. Масалан, шахсан ўзим ўзбек ва хитой тилларига асарлари ўгирилган икки халқ ёзувчиси, Хитойда узоқ вақт яшаган ва қабри Самарқандда бўлган Амир Темурнинг маънавий устози, ўзбек-хитой қўшма корхоналари ҳақидаги саволлар ғоят қизиқарли ва мураккаб, деб ўйлайман.

— **Тадбирни ўтказиш ҳамкорлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Булар — ZTI корпорацияси, "CNCEC" Хитой миллий химия-инженерлик корпорацияси, "Genertec" хитой бош технологик холдинг корпорацияси. Шунингдек, "Sarkor Telekom" ҚК, "Coca cola ичимлиги, Узбекистан LTD", "UZDUNROBITA" (МТС) ва бошқа корхоналар ҳам совғалар тайёрлашмоқда.

Биз билан ҳамкорликда "Олимпия ёзи" номи остида театрлаштирилган олимпия ҳаракати, Пекин олимпиадаси, Хитой билан алоқаларимиз ҳақида тадбирлар ўтказаётган ташкилотлар хусусида ҳам алоҳида тўхталмоқчи эдим. Бу ўринда Тошкент давлат мусиқали комедия театри (оперетта) фаолиятини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу жамоа мактаб, коллеж ва лицейларда ўз спектакларини кўрсатмоқда.

Флора ФАХРУТДИНОВА

***СУРАТДА:** оперетта театрида ёш томошабинларга мукофот топширилмоқда.*

А.ЧРЕСОВ олган сурат.

ЯШАШ — ҲАРАКАТ ДЕМАК

Югуриб туринг!

Аристотелнинг бу сўзлари нечоғли ҳаётий эканлигини пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги боғга йиғилган мингга яқин югурувчилар яна бир бор исботладилар.

"Ҳар йили дунёнинг беш қитъасида болалар, ёшлар ва кексалар Халқаро Олимпия қўмитаси ташкил этилган кунни ҳамда замонавий олимпия ўйинларининг ташкил топишини ўзига хос тарзда — оммавий югуриш билан нишонлайдилар.

Мазкур байрамнинг бу йилгиси Пекин Олимпиадаси арафасида ўтиши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Олимпия кунининг нишонланиши фақат буюк Пер де Кубертеннинг олижаноб ғояларини қўллаб-қувватлаш учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, спортнинг асоси бўлмиш жисмоний ва маънавий фазилатларнинг ривожланишига, шунингдек, спорт орқали бутун дунёда ёш авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилади... Биз оммавий спорт ер юзида том маънода эрк ва тинчлик элчиси бўлиб қолишига ишонамиз".

Олимпия югуриш куни муносабати билан Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Жак Рогге дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларига жўнатган мактубидаги ушбу сатрларни Миллий Олимпия қўмитаси Президенти Рустам Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Олимпия ўйинлари чемпиони, икки карра жаҳон чемпиони, Енгил атлетика бўйича республика федерацияси бош котиби Андрей Абдувалиев Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан югурувчилар қатнашган бу тадбир ҳақида шундай деди:

— Югуриш — спорт барча турларининг асоси, қадим Грециядаги илк Олимпия ўйинларининг дастлабки турларидан бириди. Балаба ҳақидаги хабарни етказиш учун югурувчи жуда катта масофани босиб ўтганини эсланг. Унинг шарафига ҳозиргача 42 км, 192 метрлик марафонлар ўтказилади. Грек Иорданис эса Марафон ва Афина шаҳарлари орасидаги масофани 98 ёшда югуриб ўтган. Демак, югуриш учун ёшнинг аҳамияти йўқ.

Умуман, соғлом бўлишни, ўзини бардам сақлаб қолишни истаган ҳар бир одам югуриш билан шуғулланиши керак. Бироқ профессионал спортчи сифатида огоҳлантириб қўйишим керакки, — деб давом этди А. Абдувалиев, — масофанинг узунлиги эмас, чопишдаги тезлик одамга панд бериб қўйиши мумкин. Баъзан нотўғри тезлик югурувчини сафдан чиқаради. Югуришни хоҳламаган, ундан завқлана олмаган одам учун ҳам бу спорт тури аҳамиятсиз ва ортиқча зиёндир. Кўриб турганингиз — югуриш куни эса барча қатнашчиларга — болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб, фахрийларгача олам-олам қувонч бағишламоқда.

Пойтахтимиздаги югуриш байрами Р.Глиэр номидаги маданият уйининг "Тошкент" гуруҳи карнай-сурнай ва доирачиларининг садолари билан бошланди. Мусобақада Тошкент, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган югуриш ихлосмандлари яхши натижаларни кўрсатдилар.

Ф.ГУМАРОВА

НАСАФИЙ АЛЛОМАЛАР МЕРОСИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланган йили Қарши давлат университетида Насафий ва Кеший алломалар меросини ўрганиш илмий маркази тузилган эди. Ўтган давр мобайнидпа мазкур марказ томонидан Абул Барокат ан-Насафий, Абул Муин ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Ал-Мустағфирий ан-Насафий ва бошқа алломаларнинг асарлари ўрганилиб, кўпгина рисолалар чоп этилди. Хорижий мамлакатлардаги кутубхона ва илмий марказларда мавжуд бўлган Насафий алломалар меросига доир манбаларни ўрганиш юзасидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Қарши давлат университетида "Насафийларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни" мавзуидаги республика илмий-назарий анжуманида сўзга чиққан олимлар талабалар ва профессор-ўқитувчиларни ана шу жараённинг бугунги йўналишлари билан таништирдилар. Жумладан, Тошкент Ислом университети профессори Убайдулла Уватов Саудия Арабистони илмий хазиналаридаги насафлик алломаларнинг қўлёзма асарларига эътиборни жалб этди. Қарши давлат университети ректори Бойназар Йўлдошев, фалсафа фанлари номзоди, доцент Абдураҳим Эркаев, Тошкент ислом университети доценти, тарих фанлари номзоди Саидмухтор Оқилов, доцент Очил Бўриев ва бошқа олимлар ўз маърузаларида насафлик ва кешлик алломаларнинг ҳаёти ва ижоди, илмий-маънавий меросини ўрганиш ва чоп этишга доир илмий тадқиқотларни янада жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритдилар.

ВОДИЙНИНГ УЙҒОҚ ЁЗИ

Бошланиши биринчи бетда.

Чимён қишлоғига етиб келиб, Ҳувайдо ҳазратлари пойида жам бўлганимизда, таниқли шоир ва адиблар Охунжон Ҳаким, Тўлан Низом, Энахон Сиддиқова, Зиёвуддин Мансур, Сайдали Одилов, Исмоил Маҳмуд ва бошқа ижодкорларнинг фикр-мулоҳазаларини, водийнинг чарчоқ билмас булбуллари Солижон Маматов, Султонали Манноповнинг шоир ғазалларига битилган қўшиқларини, Ҳувайдонинг бугун мамлакатимизнинг турли вилоятларида, қўшни Ўшда истиқомат қилаётган авлодлари хотираларини, узоқ йиллардан бери Ҳувайдо ҳаёти ва ижодини муттасил ўрганиб келаётган тадқиқотчи олим Қодирқул Рўзматзоданинг қизиқарли маърузасини тинглаганимизда, ҳаммамизнинг кўнглимиздан шу фикр ўтди. Маросимга Ҳувайдо ғазалларини ёд олган кекса отахон-онахонлар ҳам таклиф этилган экан, уларнинг гўзал ва бетакрор қироатларидан дилимиз яйради.

Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган Ҳувайдохонликда айтилган бир фикр эътиборимни тортди: "Ҳувайдо ғазалларида ўша даврга, замондошларига хос бўлган қусурлар гўёки ўзининг қусуридай ифодаланадики, бунга жўраст этишнинг ўзи камдан-кам кузатиладиган ҳодиса". Олимларнинг эътирофича, Наманганда яшаб ўтган Мулла Йўлдош Хилватий она томонидан Ҳувайдонинг эвараси — тўртинчи авлоди ҳисобланади. Ҳувайдо араб ва форс тилларини, мумтоз ва диний адабиётни, Қуръони каримни, ҳадисларни мукаммал ўрганган. Замонасининг етук олими, мутасаввуф шоири сифатида элюртда ҳурмат қозонган, тасаввуф фалсафасини янгича мазмун билан бойитган.

Ҳувайдонинг шеърий услуби Аҳмад Яссавий, Машраб ижодига яқинлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Тадқиқотчилар Ҳувайдонинг бир неча ғазаллари Машраб ғазаллари билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлашади. Чунончи:

Арзимни айдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға.
Қилса Худойим кўнглин мулойим,
Раҳм айлагайму ман мубталоға.., —

дейди Ҳувайдо.

Ҳувайдохонликда университетда таълим олаётган бир қатор ижодкор ёшлар, Марғилонда шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлигида фаолият олиб бораётган "Увайсий қизлари" тўгараги қатнашчилари ўз шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Саёҳатимизнинг иккинчи куни Андижонга йўл олдик. Шеърхонлик, бугунги адабий жараён, ижодкор масъулияти хусусидаги баҳс-мулоҳазалар йўл-йўлакай давом этди. Йўл — мамлакат ҳаётининг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Онасини кўриб, қизини ол, деганларидай, йўлини кўриб халқининг маданиятини, тараққиёт даражасини аниқлаш мумкин. Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган энг катта ўзгаришлардан бири — дунё андозаларидан қолишмайдиган бугунги йўлларимиз. Албатта, аҳвол ҳамма жойда ҳам бир хил эмас, аммо водий йўллари билан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дастлаб вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов, нуроний отахонлар, шеърият мухлислари билан биргаликда озодлик ва эрк куйчиси Чўлпоннинг рамзий қабрини зиёрат қилдик, шоир уй-музейи фаолияти билан танишдик. Бу ердаги кўплаб ҳужжатлар Чўлпон ҳаёти нақадар фожиали бўлганлиги, ҳўрлик ва ҳақоратлар уни ҳамиша таъқиб этганидан далолат беради. Ўз Ватанини озод ва эркин кўришни орзу қилган, миллатни "кишан киймасликка, бўйин эгмасликка" даъват этган, ёруғ кунлар келишига қатъиян ишонган шоирнинг ҳароратли сатрлари ёдимизга тушади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: "Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир,
ойдан-да гўзал...".

Вилоят марказида бугун янги қиёфада қад ростлаб турган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги мусиқали драма ва комедия театри биносида Чўлпон таваллудининг 110 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Бу бино халқимизнинг истиқлол ғояларига садоқати, андижонликларнинг кучли иродаси рамзи бўлиб қолди. Ёвуз кучлар тажовузкорона бош кўтариб, узоқ йиллардан бери санъат, маърифат бешиги бўлиб келаётган, саҳнасида Аббос Бакировдай даҳо санъаткорларнинг овози янграган бу бинога ўт қўйганларида, унинг деворлари ёнди, аммо юраги, қалби омон қолди. Бугун бу ерда ижодий кечалар, адабий учрашувлар, маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказилмоқда. Вилоятдаги кўтаринки ижодий руҳни, аҳиллик ва якдилликни, Андижон шижоатини шу ернинг ўзида сезиш мумкин. Бизга Миллий академик театримизнинг "Кундузсиз кечалар" спектакли бу ерда қаторасига ўн мартадан ортиқ намойиш этилганини, томоша зали ҳар гал мухлислар билан тўлиб-тошганини айтиб беришди. Андижонликларнинг, бутун халқимизнинг фахриғурури бўлмиш Чўлпон бугун ҳам эл-юрт хизматида. Бу гапларда асло муболаға йўқ.

Эртасига эрталаб вилоятнинг Пахтаобод туманига йўл олдик. Шаҳардан чиқишимиз биланоқ... адирликлар бошланди. Неча замонлар қуриб-қақшаб, "сув дея, сув дея" ҳансираб ётган бўз ерлар. Бугун бу ерда ҳаёт қайнайди. Кейинги бешўн йил ичида бунёд этилган меваз боғларни, саф-саф бўлиб кўкка бўй чўзаётган теракларни кўриб, энтикиб кетасиз. Инсон меҳнати билан мўъжиза яратилаётганига гувоҳ бўласиз. Қақроқ қирда боғ яратишнинг ўзи бўлмайди. Тадбиркорлардан бири катта миқдорда сув сиғадиган систернани йўлдан анча баландликка олиб чиқиб ўрнатибди. Олимжон Холдор менга юзланиб: "Қаранг, анжанликларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ", деди ғурурланиб. Дарҳақиқат, томчилатиб суғорилаётган дарахтлар шиғил мева тугиб ётибди. Андижонда бугун нима кўп — қурилиш кўп, фикр бор, тадбиркорларнинг йўли очиқ. Вилоят раҳбари катта йиғилишда давлатимиз раҳбарининг қатъий талабини яна бир бор такрорлабди: "Тадбиркормисиз, марҳамат, ишланг, даромад топинг, қонундан чиқмасангиз бўлди...". Туманларда бўлсангиз, ҳар қарич ерга ишлов берилаётгани, ундан нимадир ундирилаётганига гувоҳ бўласиз. Шаҳар марказида ўзгариш кўп. Янги-янги маданий-маиший бинолар, меҳмонхоналар, спорт иншоотлари қад ростламоқда. Кўчалар, хиёбонлар обод. Маиший хизмат авжида. Андижон бу жиҳатдан қўшни Фарғонадан анча ўтиб кетган. Буни фарғоналикларнинг ўзлари айтиб туришибди. Неча йиллар деярли барча соҳаларда карвонбошилик қилган Фарғонанинг қадамлари бугун анча вазмин... Шу мулоҳазалар кўнглимиздан кечаётганида фарғоналик ҳамкасбимиз тўқиган бир латифани айтиб қолишди. Бир туманда (Боғдоддами ё бошқа жойдами — аниқ хотирамда қолмабди) бир дарахтнинг соясида иккита танбал ёнбошлаб ётган экан. Бир пайт улардан бири зерикиб, дарахт шохини синдира бошлабди. Шунда иккинчиси эринчоқлик билан:

— Ҳой, нима қилаяпсан, бу сояда ҳали набираларимиз ҳам ёти-и-иб дам олишади-я, — деган экан...

Пахтаободда Ҳабибий домланинг уй-музейини томоша қилдик. У кишининг "Қилма ёшлик, ёшлигингни бил ғанимат, кўзни оч", деган сатрлари ёдимга тушди. Туман оқсоқоллари билан биргаликда янги деҳқон бозорида бўлдик. Деҳқон бозорида... деҳқон бўлса, нархнаво "Олой"дагичалик кўтарилиб кетмайди. Деҳқон алдамайди, тарозидан урмайди, "Ўзим фалон сўмдан олганман", деб безилламайди. Саксон ёшли фермер Маматқодир ота Давронов вилоятда, мамлакатимизда халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган хайрли ишларни айтиб, қўлини дуога очди.

Пахтаободдан Балиқчига қараб йўл олдик. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом ижодига бағишланган адабий кеча чарчоғимизни ёзгандек бўлди. Тўлан Низом истиқлол йилларида ғоят самарали ижод қилаётган шоирларимиздан бири. Унинг Бобур, Миртемир, Чўлпонга бағишланган, Қамчиқ довони қурувчилари ҳаётидан ҳикоя қилувчи достонлари ўз ўқувчиларини топди. Бугун у табаррук ёшида истиқлол йиллари йўлсозларига бағишланган янги асарини ниҳоясига етказди. Уюшмамиз вилоят бўлими раҳбари шоира Ҳуршида Тўлан Низом ижоди ҳақида йиғилганларга мухтасар сўзлаб берди. Замира Рўзиеванинг қутлов шеъри олқишлар билан қутиб олинди.

Шу ерда Андижон сафаримиз ниҳоясига етди.

Чуст туманидамиз. Бу жойни кўрмаган, ҳавас қилмаган кишини топиш мушкул. Олиму шоирлар, таниқли санъаткорлар, довруғи оламга машҳур ҳунармандлар маскани бўлган Чуст вилоят маданий ҳаётида муҳим нуфузга эга. Бу ердаги мавлоно Лутфуллоҳ номи билан аталувчи истироҳат боғида ёшлар иштирокида ҳаяжонли шеърхонлик бўлиб ўтди. Пойтахтлик меҳмонлар билан биргa наманганлик ёш истеъдодлар ҳам минбарга дадил кўтарилишди. Шоир Зиёвуддин Мансурнинг айтишича, вилоятда ҳар йили иқтидорли қалам соҳибларининг илк шеърий китобларини ҳомийлик йўли билан чоп этиш режаси тузилибди. Ёш қаламкашларнинг Зомин, Элликқалъа анжуманлари ёнига тоғли Поромонда ўтадиган шеърхонлик давраси қўшилибди. Вилоятда яшаб ўтган таниқли шоир ва ёзувчиларнинг хотира кечаларини ўтказиш анъана тусини олибди.

Ниҳоят, ҳориб-чарчаб, аммо кўнглимиз чоғ, дилимиз яйраб, водийнинг қайноқ ҳаётидан баҳра олиб, мухлислар, ҳаваскор шоир-ёзувчилар совға қилган китобу китобчалардан, қўлёзма шеърҳикоялардан қўйин-қўнжимиз тўлиб-тошиб Тошкентга қайтамиз. Йўл-йўлакай шеърхонлик, аския-мутойиба давом этади. Устоз Абдулла Орипов "Тадбирларда ўзларинг камроқ гапиринглар, кўпроқ ёшлар чиқишсин, уларни тингланглар, Зоминга, Элликқалъага борадиган, уюшмага аъзо бўладиган номзодларни аниқланглар", дея қайта-қайта тайинлаган эди. Бу топшириқни бажардик дея айта оламан.

Ижодкор учун бундай саёҳатлар нечоғли муҳим эканлиги изоҳсиз ҳам маълум. Уч кун давомида ушбу мақолада тилга олинмаган яна қанчадан-қанча учрашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидаги ушбу сатрлар қайта-қайта такрорланди: "Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади".

Ушбу сўзлар Фарғонада Йўлдош Сулаймонни, Наманганда Ҳабиб Саъдуллани, Андижонда Исмоил Тўлакни ёдимизга туширди. Бошқа жуда кўплаб устозларни эсладик, эзгулик ва инсонийликка бугун ҳам хизмат қилаётган асарларидан намуналар ўқидик.

Довонга яқинлашамиз. Пастда водий ястаниб ётибди. Ҳайдовчидан бир зум тўхташни илтимос қиламан. Шу ерда ушбу хотираларни хаёлан қоғозга тушира бошлайман. Олтин водийда олтин ёз, ҳаёт қизғин. Ҳаракат қилган, изланган одамларнинг қозони қайнаб турибди, белларига бир нима тугиб юришибди. Бундай одамлар учун имконият эшиклари катта очиб қўйилган. Бирор бир касбда муқим ўрнашмаган, бирор бир ҳунарни эгалламаган, ош егиси келса, кимдир пишириб, дамлаб, лаганга сузиб, олдиларига олиб келишини кутиб ётадиганлар бўлса, латифада айтилганидек, соя-салқинда ётишибди. Тадбиркорлар, ишбилармонлар, Ҳувайдо ҳазратлари айтмоқчи, умрининг бир нафасини ҳам зое кеткизмаётганларнинг ошиғи олчи, қандларини уришсин. Давлатимиз раҳбари бундай куюнчак, куйди-пишди, қўйиб берсангиз тош устида ҳам гул ундирадиган одамларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, йўлларига тўғаноқ бўлмаслик зарурлигини қайта-қайта уқдиради.

Шундай бўлаётганига Андижонда гувоҳ бўлдик.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Ойнаи жаҳондан берилаётган экологияга доир рекламалардан бирида Ер юзидаги бутун одамизод ҳар куни атиги бир томчидан ичимлик сувни тежаганда унинг умумий миқдори не-не дарёларни сувга сероб этиши мумкинлиги айтилади. Дарҳақиқат, бу ҳисоб-китоб бежиз эмас ва у халқимизнинг "тома-тома қўл бўлур..." деган янада ибратли мақолини яна бир бор эсимизга солаётгани билан қадрлидир.

БИР ТОМЧИ СУВ...

ёхуд буғдой сомони обиҳаётни тежайдими?

Баҳри муҳитга мадад

БМТ 2005-2015 йилларни "Сув — ҳаёт учун" ҳаракатлар дастури ўн йиллиги деб эълон қилган. Бунга сабаб она сайёрамиз иқлимининг ўзгариб бориши туфайли Ер юзида ичимлик сув катта муаммога айланиб, азалдан зироатчилик қилиб келинган ерларнинг чўл ва саҳрога айланиш жараёнлари кучайиб бораётганидадир. Ҳозир жаҳонда икки млрд. аҳоли ичимлик сув танқислигидан азият чекмоқда.

XX асрда дунё аҳолисининг уч баробарга кўпайиши бу эҳтиёжни етти баробарга оширди. Иқлим ўзгариши натижасида сайёрадаги айрим жойларни сув босса, бошқа жойлар эса мисли кўрилмаган қурғоқчиликка юз тутмоқда. Масалан, Марказий Осиё минтақасида ўтган йили қиш қаттиқ совуқлар билан ўтишига қарамай обиҳаёт ҳосил бўладиган тоғликларга йиллик ёғин миқдорида одатдагидан анча кам тушиб, айни саратон ойлари сув танқислиги келиб чиқмоқда. Шундай шароитда ичимлик сувни, умуман дарёларнинг чучук сувини тежаб ишлатиш масаласи ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Ўтган жума куни пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида бўлиб ўтган сув муаммоларига доир халқаро анжуманда бу борада қўл келиши мумкин бўлган бир қанча янги лойиҳалар тилга олинди. Осиё Тараққиёт банкининг молиявий кўмагида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда фаолият олиб бораётган Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти, Биологик зироатчилик бўйича халқаро марказ, шунингдек, Сув тахчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро тадқиқотлар маркази ҳамда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда унумсиз ерларни соғайтиришнинг "Ёруғ нуқта" деб ном олган лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан эришилган дастлабки самаралар хусусида батафсил фикр юритилди. Бу лойиҳаларнинг айримлари ҳақида аввалги мақолаларимизда фикр юритган эдик.

Буғдой сомонининг пахта пайкалларида сувни тежаб ишлатишда қўл келишига доир лойиҳа эса мен учун яна бир янгилик бўлди. Тажрибалар "Ёруғ нуқта" лойиҳалари доирасида сув тахчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро тадқиқотлар маркази олимлари томонидан Сирдарё вилоятининг "Оқ олтин" экспериментал станциясида олиб борилди. Анжуманда бу ҳақда лойиҳанинг Ўзбекистон бўйича мувофиқлаштирувчи вакили Герман Безбородов ахборот берди.

Унинг фикрига кўра, чучук сув манбаларининг етишмаслиги зироатчилик маҳсулотларини кўпайтиришга имкон бермаётган бош сабаблардан биридир. Бу муаммони қисман ҳал этишда буғдой сомонини ғўза эгатларига тўшаш қўл келиши мумкин. Буғдой сомони сувни тежабгина қолмай, тупроқнинг унумдорлигини ҳам оширади, ернинг эрозияланиши олдини олиб, тупроқда органик моддалар ва бошқа тўйимли компонентлар кўпайишига йўл очади.

Бугина эмас, ғўза ораларига эгат оралатиб сомон тўшаш ернинг сизот сувлари кўтарилишининг ҳам олдини олади. Ғалла ўрим-йиғимидан бошлаб эгатларга янги сомон тўшаб чиқилса, бундай эгатларни трактор орқали юмшатишга ҳам, бегона ўтларни чопиқ қилишга ҳам ҳожат қолмайди. Сабаби сомон тўшалган эгатнинг тупроғи қотмайди ва у эгатда бегона ўт кўкармайди. Сомон тўшалган жойдан намнинг буғланиш жараёни секин кечади. Шу боис тупроқ таркибида нам узоқ сақланади ва қатор ораларини тез-тез суғориб туришга ҳожат қолмайди.

Хўш, ғўза қатор ораларига сомонни қайси пайтдан бошлаб тўшаш мақсадга мувофиқ? Ғалла ўрим-йиғими бошланиб, янги сомон ғамлаб олингунча ғўза одатдагича суғорилиб, қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлар чопиқ қилиб турилади. Янги сомон далага келтирилиши билан қатор оралар сомон тўшашга мосланади. Яъни сомон тўшалмайдиган эгатга культиватор ўрнатилиб, унинг тупроғи намликни узоқ сақлайдиган даражада майин қилиб юмшатилади. Сомон тўшаладиган қатор ораси эса бир йўла суғориб туриш учун чуқурроқ қилиб эгат олинади. Ҳозирча ғўза эгатларига сомон тўшайдиган техника воситаси яратилмаган. Шунинг учун бу иш қўлда бажарилади.

Бундай ғўза пайкаллари сувни кўп талаб этмайди. Ўртача 25-30 фоиз суғориш суви тежалишидан ташқари, қатор ораларини юмшатиш, суғориш учун такрор-такрор эгат олиш ва ўтоқ қилишга ҳожат қолмайди. Янада муҳими, ғўза қатор ораларига сомон тўшалган далалар ҳосилдорлиги одатдагидан юқори бўлмоқда. Сабаби, эгатларга тўшалган сомон тупроқда намликнинг узоқ вақт бир текис сақланишини таъминлайди, тупроқнинг юқори қатламлари қотиб кетиши олдини олади.

Ва ниҳоят, ғўза қатор ораларига тўшалган сомон тупроқда турли микроорганизм ва фойдали ҳашоратлар кўпайишига йўл очиб, трактор юмшатишдан ҳам ортиқроқ даражада тупроқ унуми ошишига таъсир кўрсатади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ғўза қатор ораларига сомон тўшаб сувни, тракторда ишлов бериш ва чопиқ харажатларини тежашга доир бу усул фақат шўрланиш даражаси кам бўлган ерларда катта самара беради. Янги усулни қўллашда шу жиҳатни ҳисобга олиш зарур.

* * *

Анжуманда сўзга чиққан профессорлар Ф. Таха, Абдурахмон Умбоев, Ўринбоев, докторлар Х.Мантримилаке, Кристофер Мартиус, Сарвер Асад Куреши, Манзур Кодир, Акмал Каримов, Абдулла Рабимов, Кристина Тодореч, Сердар Розиев, Ҳабиб Қўшиев, Аден Ав Хассан, Сергей Магай ва бошқалар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон шароитида шўр босган унумсиз ерларни соғайтириш ва тиклаш, бунда шўрга чидамли озиқли экинлардан фойдаланиш, шолини кўчат қилиб экиш, унумсиз ерларга эҳтиёжга қараб фосфогипс ва фосфорит солиш, Қизилқумнинг саҳро шароитларида турли даражада минераллашган ер ости сувларидан чорва озиғи экинлари етиштиришда фойдаланиш ва шунингдек экинларни томчилатиб суғориш тажрибалари ва истиқболлари хусусида фикр юритдилар.

* * *

Мақоламизни ойнаи жаҳондаги экологияга доир гўзал реклама бир томчи сувнинг қадрини қандай изоҳлаб берганидан бошлаган эдик. Энди эса ғўза қатор ораларига буғдой сомонини тўшаш қанча сувни тежаши ва яна ҳосил миқдорини ҳам ошириши мумкинлиги ҳақида олимларнинг ишончли тажрибаларидан огоҳ бўлдик.

Бу тажрибани ўз даласида қўллаб, олтинга тенг обиҳаётимизни тежаган мардларни она заминимиз сербарака ҳосил билан сийлаши айни ҳақиқатлигини унутмасак бўлди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

СУРАТДА: қатор ораларига сомон тўшалган пахта пайкаллари.

ЧИМБОЙЛИК ЎТОВСОЗЛАР

Ҳунардан унар

Элимизда бешикчию сандиқчи, танбуру дутор, ғижжагу рубоб, қўбизу дўмбира каби турфа чолғу-созларни тайёрловчи халқ усталарининг обрў-эътибори қадимдан машҳур бўлиб келган. Қашқадарёю Сурхондарё, айниқса, Қорақалпоғистонда эса ўтовсоз усталарнинг бой маҳорати бугунги кунда ҳам қадр топаётганига суюнмай бўлмайди. Негаки, бешигу сандиқ каби бежирим ва ҳар томонлама қулай ўтовлар халқимизнинг минг йиллик асотирлари каби кўзимизга иссиқ ва тансиқ кўринади. Жаҳонни ҳайратга солган буюк аждодларимиз, аллома боболаримиз шу бешик, шу ўтовлар ичра улғайганлар. Шу сабабли биз бугун ҳар қанча Европа тамаддуни, янги давр маданияти билан ошно бўлмайлик, ота-боболаримизнинг бетакрор санъатидан ҳам шу қадар завқ оламиз. Бу анъанани унутмай келаётган моҳир усталаримиз маҳоратига таҳсин айтамиз.

Аслида ўтов кўчиб юрувчи чўпону чорвадорлар учунгина эмас, ёз ойлари дала шароитида, тоғу қирликларда ҳордиқ чиқаришни афзал биладиган ҳаммага керак анжом. Сабаби, уни қуриш ҳам, йиғиштириш ҳам унча кўп вақт олмайди. Шу сабабли бугун бундай ўтовларга қизиқиш ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Турфа тол ёғочлардан бежирим ўтовлар ясаб, эл эҳтиёжига тақдим этаётган чимбойлик Азамат Тўрекеев ва Жахсилиқ Қўбланбоевларнинг маҳоратидан барча миннатдор. Азамат бир неча йилдан бери укаси Алишер билан биргa олти қанотдан ўн икки қанотгача бўлган турли катталикдаги ўтовларни ясаб тилга тушди.

— Битта ўтов ясаш учун бир ой вақт кетади, — дейди у. — Харидор кўп, даромад ҳам чакки эмас. Ўтовларга битта ҳам темир мих ишлатилмайди. Мих ўрнида мол терисидан тайёрланган, асло чиримайдиган ултон шардоз ишлатилади.

Азамат ҳозир қозоғистонлик харидорлар буюртмаси бўйича 14 ва 16 қанотли катта ўтовлар тайёрлашга ҳам буюртма олиб ишлаётган экан. Жахсилиқ эса бу ҳунарни отасидан ўрганибди.

— Кейинги йилларда юртимизда тез-тез уюштирилаётган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик кўргазмалари менда ўтовсозликка қизиқиш уйғотди, — дейди у. — Илгари отам шу касб билан шуғулланган учун менга ҳам ўргатишларини сўрадим. Қарасам, қўлим келишиб қолибди. Мен тайёрлаган ўтовлар овулдошларимиздан ташқари қўшни мамлакатлар харидорларига ҳам манзур бўлаяпти. Бундан қувониб, энди ўзим ҳам шогирд тайёрламоқдаман.



СУРАТЛАРДА: (чапдан) Жахсилиқ Қўбланбоев ва Азамат Тўрекеевлар.

Н.АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Жахсилиқ Қўбланбоев ва Азамат Тўрекеевлар ўтовсоз-уйчиликка қайта жон бахш этибгина қолмай, бу соҳанинг янгидан равнақ топишига ҳам йўл очмоқдалар. Чанғароқ, керага, увуқ... Чанғароқнинг тўрт бўлаги тўрт мавсумни билдиради. Баҳору ёз, кузу қиш. Чанғароқ тепасидаги ўн икки ёғоч эса ўн икки ойни англатади. Уларнинг ҳар бири бир тимсол. Момолару келинлар қўлида гўзаллик касб этадиган кигиз, қамиш ҳамда жекандан тўқилган чипталар, оқ ва қора босхур гиламчалар, олачалар, эрганак эшиклар, тоболдириқлар, нақшли мангалайчалар, пўпагу туморлар миллий ўтовларга бетакрор қиёфа бағишлайди. Бугунги фаровон замонда дўконларни безаб турган турфа гиламлару маҳаллий мебеллар ҳам кўҳна ўтовларга янги қиёфа ва янги мазмун бағишламоқда. Шунинг учун ҳам унинг харидорлари кўпайиб, Азамат ва Жақсилиқ каби ўтовсозлар санъатига жон бағишламоқда.

Хуршид НУРМАМАТОВ,
Жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика
факултети талабаси

Журналларни варақлаганда...

"Гулистон" 2008, 3-сон

Журналнинг янги сонида Ёшлар йили муносабати билан Д.Саъдуллаевнинг Ўзбекистон давлат санъат институти ректори, профессор Усмон Қорабоев билан суҳбати эълон қилинган. Н.Очиловнинг "Бош майдон ҳақида қўшиқ" мақоласида яқинда чоп этилган "Мустақиллик майдони" рисоласи ҳақида сўз юритилади, ушбу нашрнинг мазмуни, дизайни таърифланган.

Собиқ шўро замонида айбсиз айбдор бўлган юртдошимиз Маҳмудқори Аҳмадалиев 15 йил сургунда, 10 йил концлагер қамоғида маҳбуслик даҳшатларини бошдан кечирган... Р.Шамсутдинов ва Б.Юсуповнинг "У "26"лардан бири эди" сарлавҳали мақоласида шу ҳақда ҳикоя қилинган.

"Афсона ва ҳақиқат" рукнида берилган М.Маҳмудовнинг мақоласи қадимда ўтган гўзал малика Клеопатра ҳақида. А.Бойқўзиевнинг "Ҳа, ёлғиз яшаб бўлмайди" сарлавҳали тақризида таниқли публицист А.Мелибоевнинг "Ёлғиз яшаб бўлмайди" рисоласининг ютуқлари эътироф этилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сон мундарижасини бойитган материаллар сирасига А.Гариннинг "Лермонтов — мусаввир", Б.Каримнинг ўзбек адабиётининг Германиядаги билимдон мутахассиси Зигрид Клайнмихел ҳақидаги "Олима умрининг кўрки", А.Улуғовнинг "Таъсирчан қаҳрамонлар" мақолаларини ва давомли тарзда берилаётган Р.Гамзатовнинг "Менинг Доғистоним" асарини киритиш мумкин. Журнал саҳифаларида спорт, мусиқа мавзуларида ҳам қизиқарли суҳбат ва қайдлар эълон қилинган.

ЁШЛИК СУРУРИ...

Р.ШАГАЕВ олган сурат.

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

* * *

Кийиклар сув ичар сойдан,
Ғоз-ўрдак қўлдан сув ичар,
Одамзотнинг кўнгли қайдан?
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўрдим оқ қув ўйинларин,
Суйкалашиб бўйинларин...
Ошиқ соғингандай ёрин
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Отлар "ғулдур-ғулдур" кишнаб,
Депсинар уйирин излаб,
Қўзи манграб, бўта бўзлаб,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ,
Ошиқар қирғоқдан тошиб,
Йўллар йўлларга улошиб,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дўсту улфат — улуғ давлат,
Жон озиғи — жонон суҳбат,
Чўлга баҳор — гулга навбат,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Осмонларга серлаб боқсанг,
Юлдузлар сирлашар оқшом,
Ўзинг булоқ бўлиб оқсанг,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Юрак гупиллаб турсин-да!
Дунёнинг қайси бурчинда
Яшасак ҳам биз, бурч шунда —
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Олисдаги асқар тоғлар
Бир-бирига назар боғлар,
Шунинг-чун ҳам буюк тоғлар,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Ёмондир юракнинг тоши!
Одам одамнинг қуёши,
Кўнгил кўнгилнинг дарёси,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

ҚЎНОҚ

Бир пиёла чойни олиб,
Роҳат қилдим назар солиб,
Чойимда нозли чайқалиб,
Келар бир қўноқ, бир қўноқ.

Чойни ичмай, чайқаб кўрдим,
Юришларин пайқаб кўрдим,
"Ким экан?" деб чуйкаб кўрдим
Бизга келаётган бул қўноқ.

Манзил-жойи узоқмикан,
Кегайли ё Мўйноқмикан,
Бир худойи қўноқмикан?
Қутли бўлсинда бул қўноқ.

Тик турса чойнинг чўпчаси,
Келгай қўноқнинг хўбчаси,
Рост бўлсайди "хўп-хўп"часи,
Бунчалар кўп чайқалмаёқ.

"Тўқсон беш"да шама оқдур,
Ой юзига тўймоқ йўқдир,
Кўнгил кўнгилга қўноқдур,
Шуни биларми бул қўноқ.

Юзидан нур сочишлари,
Имо қилиб қочишлари,
Нозли қадам босишлари,
Сенга ўхшайди бул қўноқ.

Оқшом сирлашиб ой билан,
Куним ўтар "вой-вой" билан,
Ичиб қўярман чой билан,
Тезроқ келмасанг, ҳой, қўноқ.

БИР ОДАМНИ БИР ОДАМ

Қандай яхши, биродар,
Одамзотнинг юраги!
Бир одамни бир одам
Жондай яхши кўради.

Бир одамни бир одам
Суйиб қолар танишса.
Бир одамни бир одам
Соғинади олисда.

Кетса биров орадан,
Биров йўқлаб йиғлайди.
Бир одамдан бир одам
Бориб кўнгил сўрайди.

Ўқ отилса бировга,
Жонин тикиб гаровга,
Етиб борар суявга
Бир одамни бир одам.

Нафсин тийиб, нон берар,
Томиридан қон берар,
Зарил бўлса, жон берар
Бир одамни бир одам...

Яхшилик ўсиб-унарма,
Миллионни миллион суярма —
Суймаганда агарда
Бир одамни бир одам?

Ичиб меҳр косасин,
Тош юраклар бўшасин.
Доим суйиб яшасин
Бир одамни бир одам.

ИЙШАНБОЙ КУЙИ

Профессор Ийшанбой Қорақуловга

Яшил борлиқ қўм-қўк
яшнаб ётган кечда
Сизни Қофқоз тоғларинда
олдим эсга.
Қиз Жибекнинг кўчи каби
минг буралиб,
Оппоқ булут ўрмалайди
тоққа аста.

Шундайин жўмард табиат,
Сизни ўктам яраттан.
Ийшанбой оға, ҳайда от,
Қизларми, дейман, борётган.

Оқ Машукнинг
кокиллари ўрилмаган,
Бештов йигитлар
талашиб гуриллаган.
Аршин тусли гўзал
қизнинг сийнасидай
Қўш ўркачли Элбрус
чўққи дириллаган.

Тоғ этаги кутади,
Кўнглингга ким етади?
Ёшлик даври бевафо,
Ўтибгина кетади.

Қайтиб сурсанг бул давронни,
шўйтиб ўтар,
Қадрингизга мен етмасам,
кимлар етар?
Сиз билан соз-суҳбат қурмай
юрар бўлсам,
Кўч ортинда битта тойлоқ
бошқа кетар.

Азиз оғам, Ийшанбой,
Қорақалпоқнинг боласи.
Минг йигитни йиғсамда-яй,
Сиздай бўлмас чамаси.

Қипчоқларнинг қизлари шўх,
зийрак келар,
Игна тиқса, кашталари
ийрак келар.
Қоратавон Қорақулдай
отамизнинг
Боласидай азамат
ул сийрак келар.

Воҳ, Ийшака, Ийшака,
Олисдаги бовурим.
Мақтанади сиз билан
Амудаги овулинг.

Ёш келбатинг
кўнгилларни кўтаради,
Сизга беш қиз текканида
нетар эди?
Ийшакамдай мард
йигитлар бўлмаганда
Қизлар эрга кўнгил қўймай
ўтар эди.

Воҳ, Ийшака, Ийшака,
Йигитларнинг султони.
Узоқ бўлсин, илоҳим,
Умрингизнинг бўстони.

Ҳой сулув қиз, биз билан
бир хабарлашгин,
Даврнинг ўтса,
пўпагингни тақолмассан.
Бол бармоқли қўлинг
билан қуй қимизни,
Ийшанбойдай йигитни
ҳеч тополмассан.

Ўй, Ийшака, Ийшака,
Қирчиллама бўз бола.
Қизлар кетиб боради,
Ҳайда отни тезгина.

БЕРДАҚНИНГ ДУТОРИ

Шоирнинг дуторини набиралари музейга топширганда

Аслинг сенинг оғочдандир,
Сўйла, дутор, сўйла, дутор.
Овозинг тўла армондир,
Дардинг баён айла, дутор.

Улуғ шоир эганг бўлган,
Қулоғингга булбул қўнган.
Кўп тўйларда кўнгил олган,
Донғинг кетган элга, дутор.

Кўҳна замоннинг тенгдоши,
Чорхонангда соз ундоши,
Бердақ бобомнинг мунгдоши,
Дардинг баён айла, дутор.

Гумбирлаган созга бойсан,
Дардларимни қўзғагайсан.
Не учун ҳўнграб йиғлайсан?
Тилинг бўлса, сўйла, дутор!

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

Шивалаб турган ёмғир бирдан тезлашиб кетди. Бозор баттар қий-чувга тўлди. Ким молига, ким жонига паноҳ истаб, шошиларди. Аввал ўйдим-чуқур ерлар, сўнг бутун бозор саҳни сувга тўлди. Ёмғир эса секинлашай демайди. Бу пайтда Ултонбой бекорчиликдан бозор айланиб юрган эди. Гарчи унинг асрашга арзигулик бирон нарсаси бўлмаса ҳам, издиҳомнинг ўзи икки елкасидан сиқиб, бозор дарвозасидан ташқарига чиқариб қўйди. Одамлар дуч келган машинага ўтириб, манзиллари томон шошарди. Қаторлашиб ётадиган кира машиналар бир зумда сийраклашиб қолди. Унинг эса шошадиган жойи йўқ. Қорни оч эди. Ички кийимлари ҳам намиққан шекилли, эти жунжикаётганини ҳис қилди. Аммо бу ҳамиша зах ҳиди келиб турадиган, ҳувиллаб ётган уйига ошиқиш учун сабаб бўла олмади: аввал овқатланиб олиши керак!..

У бозор қаршисидаги ойнаванд ошхонага кирди. Яқин ўртадаги арзон ва гавжум бу ошхона унинг доимий қўналғаси, айни пайтда ёмғир қамчисидан қочиб, тўрт томонга югураётган одамларни кузатиш учун жуда қулай жой эди.

Бозордан чиқаётган одамлар орасида баланд бўйли ёшгина йигитнинг билагидан икки қўллаб ушлаб олган ўрта ёшлардаги жувон диққатини тортди. Йигит бир қўлида иккита катта елимхалтани кўтариб, иккинчи қўли билан онасини ушлаб олган, улар нимадандир завқланиб кулар, осмондан челаклаб қуйилаётган ёмғир, атрофдаги ола-тасир уларнинг ҳангомаларига ҳалал бермаётгандай. Аёлнинг кулгиси ташқаридаги шунча шовқин-сурондан ўтиб, ойнаванд ошхонанинг бир бурчагида ўтирган Ултонбойнинг қулоқлари остида жарангларди.

Йигит ошхона томонда турган оппоқ машинанинг аввал ўнг томонидаги эшигини очиб, онасини ўтқизди, орқа ўриндиққа қўлидаги елим халталарни қўйди, сўнг ўзи олдинги ўриндиққа ўтиб, машинани ўт олдирди.

Улар Ултонбой ҳамиша йўлга чиқса — излайдиган, узоқ кўрмаса — соғинадиган, мабодо кўриб қолса — қочгани жой тополмай қоладиган энг яқинлари, айни пайтда юз кўрмас ғанимлари эди. Йўқ, ғаним деса, унчалик тўғри бўлмас, улар Ултон билан ҳеч ишлари йўқ, фақат йўллари кесишмаслиги керак.

Бир сафар... Ўғли ўн саккиз ёшга тўлган кун эди. Шаҳар четидаги хилват йўл бўйида, қандайдир жарангдор шиор ёзилган бетондевол соясида машина кутиб турганди. Катта йўлдан "шув" этиб, яп-янги машина ўтиб кетди. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган аёл "ялт" этиб унга қаради. Аниқ кўрди: аёлнинг кўзлари нафратдан қисилиб кетди.

Машина қандай тезлик билан унинг ёнидан ўтиб кетган бўлса, шундай шитоб билан изига қайтиб, Ултоннинг қаршисида тўхтади. У нима қиларини билмай қолди, қочай деса, ортида турган яккадеволдан бошқа бирон паноҳ йўқ. Тураверайин деса, изидан онаси "Шошма болам, ўзингни қўлга ол", деб югургилаб келаётган йигитнинг важоҳати от ҳуркар даражада қўрқинчли эди. Уларнинг ҳар уччаласи бу учрашувни ўн саккиз йил кутган эдилар, аммо у шундай бир ҳолатда юз бериши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Йигит машинасидан тушиб, унинг қаршисига келди, бир зум ҳеч нарса демай, кўзларига тикилди, нигоҳлари жуда қаҳрли эди. Вужуди титраб турган бўлса-да, ноиложликдан кулимсиради.

— Мени таниялсизми?

— Ҳа...

— Мен кимман?

— Ҳасансан.

— Билар экансиз-у?! Мен нега сизни билмайман?! Нега?! —унинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Ўртада қалтираб турган онаси унга ёпишди: "Болам, ўзингни бос. Нима бўлганда ҳам у сенинг отанг, дилини оғритиб, гуноҳга ботма". У онасининг елкаларидан тутди: — Қўрқманг, она, уни чертиш ниятим йўқ, фақат сўраяпман: нега мен уни билмайман?!

— Вақти келади, ҳаммасини тушунтириб бераман... — чайналди Ултонбой. Йигит бош чайқади.

— Нимани тушунтирасиз, онанг ёмон эди, ташлаб кетишга мажбур бўлдим, дейсизми? Онанг ёмон эди, сени излаб кела олмадим, дейсизми?

— Бўлди, кетдик, болам, — онаси тинмай уни ортга тортқиларди.

—Ҳа, бўлди, — оғир нафас олди ўғил. – Аммо бир нарсани айтиб қўяй, сиз нафратга ҳам арзимайсиз, шуни унутманг.

Машина эшиги "қарс" этиб ёпилди. Ултонбой шитоб билан қўзғалиб, бир зумда қўздан ғойиб бўлган машина томонга қарай олмади, силласи қуриб, деволга суянган кўйи ерга ўтириб қолди.

Бу учрашувни Ултонбой неча йил кутганди, ундаги ҳар сўз, ҳар ҳолатни ипга маржон тизгандай тизиб, тизавериб, режалаб, тунларни тонгларга улади. Аммо... Ҳаммаси кутилмаган жойда, бир зумда содир бўлди. Ултон шу дамгача ҳам ёлғиз эди, аммо хаёлида бир кун келиб, уни тушуниб, суянч бўладиган ўғли, умиди бор эди. Энди ҳеч нарсаси қолмади.

Ҳа, ундан ҳам ўтган. Шу пайтгача ўғлини бирон марта бўлсин изламади. "Онаси қўймайди", деган важ ўринсиз эканини ғўдак ҳам билади. Учрашгиси, бағрига босгиси келарди. Фақат шунча йил давомида харажатларидан бешолти сўм ажратиб, ўғлининг йўлини тўсиб, "Ҳой бола, мен сенинг отангман, нима бўлган бўлса, бўлди, энди мени меҳрингдан бе-

насиб қилма. Ма, ишлатарсан" деб, қўлига беришга ҳафсала қилмади. Аслида, ўғлига айтмоқчи, тушунтирмоқчи бўлганларини ўзи ҳам яхши тушунмасди. Билгани, унинг момоси билан Нодиранинг момоси опа-сингил бўлишган, Нодиранинг момоси тўй кечаси севган йигити билан қочиб кетган.

— Мен ҳеч нарсани билмайман, келинни топиб келасан, элни тўйга айтиб қўйганман, — туриб олган кўвнинг отаси.

Шу ерда қариндошлардан бири манзират қилган:

— Ундай бўлса... Келиннинг опаси бор.

Ҳамма олдин бир-бирига, сўнг қудаларнинг оғзига қараган.

— Йўқ, бўлмайди, — рад қилган қизнинг отаси.

— Нега?

— Айби бор... Сағал букрироқ, — тушунтирган эта ҳамон бошини ердан кўтармай.

— Э-э! Букрироқ эмиш, қора қозонини қайнатиб, эшигини очиб ўтирса бўлди-да. Фалончининг келини куёвни ташлаб қочиб кетибди, дегандан кўра яхши-ку. Тўйни келинсиз нима деймиз, худойи деймизми? А, Абдумўминбой?

Абдумўминбой — куёвнинг отаси, ҳеч нарса демаган. Унинг ўрнига ҳам ҳалиги киши буйруқ берган:

— Бўлди, қизни тайёрланглар!

— Йўқ, ундай қилманглар, илтимос, — ялинишга тушган ота, — катта қизим жуда қисинчоқ, кўнгли ярим. Тенг-тўшидан кам бўлиб, шунча қийналгани етар, ортиқча хўрликни кўтара олмайди. Абдумўминбой, хўп денг, қилган харажатларингизни секин-аста узаман.

Абдумўминбой қудасининг юзига бир зум тикилиб туриб, миясига келган ёвуз бир ўй қарорини қатъийлаштирган.

— Йўқ, шу қизингни берасан, букри жойини ўзимиз тўғрилаб оламиз!

Букрини гўр тўғрилармиш, деганлари рост бўлса керак, шўрлик келиннинг кирмагани бир гўр бўлди. У еган тепкиларни эгри заранг таёқ еса, алифдек бўлар эди. Бир умр ўлимини кутиб яшади, тезроқ ўлса-ю, уни шу азоблларга гирифтор қилиб, ўзи ҳам кун кўрмай, биринчи фарзандини туғаётиб ўлиб кетган синглисининг ёқасидан тутса! "Ўзинг ўлиб кетар экансан, мени ўтга ташлаб нима қилардинг?", деса.

Тўйдан олдин бир кун синглиси гап топиб келди:

— Чучук, у дунёда опа-сингиллар юз кўришмас экан.

— Нега?

— Сабаби, бу дунёда эр талашиб, юз кўрмас бўлган опа-сингиллар кўп экан. У дунёда бир-биримизнинг юзимизни кўролмас эканмиз, бу дунёда бир-биримизнинг қадримизга етиб юрайлик.

Шундай деган одам опасини ёнаётган ўтга ташлаб кетди. Бундай қилгандан кўра эрини тортиб олгани яхши эмасмиди?

Ундан бир ўғил қолди. Ота қизининг қилиғидан қанча орланган бўлса ҳам, қизи ўтиб кетгач, куёвини кечирди. Тўй-маъракаларида неварасини айтувсиз қолдирмади.

Нодира ана шу невара ўғилнинг қизи. Чучук момо невара қизини узатаётганда, Нодира бобосинникига меҳмонга келган эди. Уни ҳам тўйга олиб боришди. Тўйга келган қизлар ичида ҳам хушрўй, ҳам бегона бўлгани учун дарров кўзга ташланди.

— Бу қиз ким, — деб сўровчилар кўп бўлди.

Ҳатто Чучук момонинг чоли ҳам қизиқди. Ким эканлигини билгач, қозоннинг бошида ўтирган кенжа неварасини олиб келиб, қизни кўрсатди:

— Сен шу қизга уйланасан.

Дунёбехабар қиз дугоналарининг даврасида нималарнидир завқ билан сўзлаб турарди. Унга қараб йигитнинг кўзлари ёниб кетди:

— Бўпти, бобо!

— Фақат бир кечага! — кўзлари пирпираб кетган неварасининг елкасига қўлини қўйди. — Менинг орим учун шу ишни қилишинг керак. Кейин олдингисидан ўн бора катта тўй қилиб, бундан ҳам гўзал, бундан ҳам ёш қиз олиб бераман. Машина сеники, молҳолимни сенга қолдираман.

Бобоси бир зумда бир дунё нарса ваъда қилиб ташлаган бўлса-да, йигит шумшайиб қолди.

— Хукумат ҳозир молга рухсат бериб турибди. Тиллога рухсат берсин, мен сени тиллога кўмиб ташлайман.

— Э-э, у қиз ҳали менга тегадими-йўқми? Олиб бермасдан "ҳайда", дейсиз, — йигит қўл силтаб ортига бурилди.

— Тегмаям кўрсинчи, — бобо унинг елкасига қоқди.

Тўй ўтиб, ғала-ғовур тинчигач, бобосининг ёнига катта акаси қўшилди. Ултонбой бу акасининг юзидан сира ўтолмас эди. Чучук момо саккиз фарзандини тепкитаёқнинг тагида туққан бўлса-да, бирон боласи ўзига ўхшаш букри бўлиб туғилмади. Неваралардан ҳам фақат шу Жўраси... Энг одобли, энг тиришқоқ, билимдон невара! Мактабда аълочи ўқувчи бўлса ҳам, тенгдошлари "букри" деб ҳеч кун бермасди. Ултонбой акасини қандай хўрлашганларини жуда кўп марта кўрган, ич-ичидан эзилган эди. Ака ҳозир катта бир хўжаликнинг раиси, дунёси мўл, қўлини қаёққа узатса етади. Ҳар йили қадди-қоматини тўғрилатаман, деб олис юртларга бориб, дунё-дунё пул сарфлаб келади. Лекин йилдан йилга семириб, боши билан елкасини туташтириб турган букри ҳам кўтарилиб бораётганга ўхшар, унга сари неғадир ўзининг ҳам дийдаси қотиб, гапирганда суҳбатдошини масхара қилаётгандай мийиғидан кулиб турадиган одат чиқарганди.

— Шу қизни бир кунга оласан, — деди ака ҳам. — Бостирманинг тагида турган машина сеники.

Ўшанда ўзи ҳам кўрмаган момосининг муҳаббати учун қурбон бўлаётган бегуноҳ қиздан кўра, бостирма тагида турган машина қизиқроқ кўринган эди унга: "Э-э, буниси бўлмаса, бошқаси! Танлаганингни олиб берамиз, дейишаяпти-ку!" Аммо, тўйнинг эртаси куни... бобоси билан акасига берган ваъдасининг устидан чиқа олмади. Бобо билан ака эрта тонгдан келин билан куёвнинг эшиги кўриниб турадиган супага ўтириб олиб, зич ёпилган эшикнинг зарб билан очилиши, ичкаридан шовқин-сурон эшитилишини кутиб ўтиришарди. Бир маҳал эшик оҳистагина очилиб, бошига катта оқ рўмол ташлаб олган келин чиқиб келди. Қайнотабобоси билан қайноғасига салом бериб, ухлаб қолганидан хижолатланиб, шошиб ҳовлига сув сепа кетди. Куёв кун ёйилгандан кейин ҳам ташқарига чиқмади. "Чойга чиқаркансиз", деб кирган жиянига "Бошим оғрияпти", деб жавоб қайтарди.

Акасининг қаҳри келди: "Э-э! Ўлик!".

Уч кундан сўнг машинанинг қалитини олиб қўйишди.

Ултонбой икки ўт ўртасида қолди: бостирма тагида гижинглаган "тулпор", гўшангада сулув келинчак. Бу қиз сулувгина эмас, шабнамдек мусаффо ва маъсума эди.

Бобо невара келиннинг саломига алик ҳам олмай қўйди. Келин қурғур бир замонлар девол суятиб кетган момосининг қуйиб қўйгандай ўзгинаси эди. Эговлагани букри кампир бўлди: "Кетсин, кўргани кўзим йўқ шу келинни. Кетсин, гап тамом". Ҳа, бадном қилиша олмади, ҳеч бўлмаса, кетсин. Дили яралансин, озгина бўлса-да, азоблансин. Унинг уйида, кўз ўнгида юрмасин!

Ака ҳам бобо тараф: "Агар шунинг момоси эр танламаганда, мен букри бўлиб туғилмасдим", дейди.

Нодиранинг бошқоронғилиги оғир ўтди. Момоласи эгиз экан. Ёш қиз бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, на ўзига, на икки ўт орасида ҳардамхаёл бўлиб юрган эрига қарай олди. Эр унга ёрдам бериш ўрнига чақалоқларнинг шовқинидан қочиб, ярим тунгача акасиникида телевизор кўриб ўтирадиган бўлди. Укасидаги ўзгаришни кўриб, қахрланиб юрган ака ҳам юмшади, қўлига пул берди. Машинанинг калитини берди.

Ҳусани иситмалаб ётганда, у бир опахонининг тўйини қизитиб юрган эди. Кечки пайт касалхонага келиб, йиғлаб ўтирган хотинига қараб, ғижини келди:

— Ўтиришингни қара. Бугун сен қатори туққан Робияни кўрдим, эрга тегмаган қиздай бўлиб юрибди. Сен бўлса, на ўзингни эплайсан, на болани.

Болани сақлаб қолишолмади. Нодиранинг жавоби берилди: "Болага қарай олмай, ўлдирди".

Энди ёти-иб, ўйланди. Жуда бешафқат, аҳмоқ бўлган эканда ўзиям.

Нодира кетгач, икки ойдан сўнг хўжаликдан камомад чиқиб, акаси қамалиб кетди. Ҳамма нарса уни тезроқ олиб чиқишга сарфланди. Машина, мол-ҳол, бобонинг яшириб юрган тиллолари... Бу харажатларнинг нечоғли нафи тегди-тегмади, ака ўн бир йил ўтирди. Қайтиб келганида бобо ҳам, момо ҳам, ҳатто отаси ҳам ўтиб кетган, қаттиқ асабий зўриқиш туфайлими, барча тишлари тўкилиб кетган қоқсуяк онаси болалари билан хотинига қора бўлиб ўтирган эди.

Бутун гавдасида фақат букриси чўнқайиб қолган аканинг ёдига бир замонлар берган ваъдаларини солишнинг фойдаси йўқ. Жуда жиззаки бўлиб қолган. Ҳар нарса учун хотини билан укасини уришади, жанжалга баҳона излайди. Иккинчи ўғлини уйлантираётганда укасига "Сен ошхонага ўт, бу хоналарга келин тушираман", деди. Икки укаси уйланиб, ўзи ҳамон хотинсиз юргани аламли эди, "Мен ҳеч қаерга чиқмайман", деб туриб олди. Ака-ука олдин гап талашди, сўнг ёқалашди, кейин судлашди: уй, ҳовли, томорқа иккига бўлинди. Ўртада "ҳай-ҳай"лаб турувчи онаси ҳам бўлмади. Ултонбой ҳовлининг бир четидаги икки хонали уйда ишсиз, бир қошиқ ёвғонсиз, ёлғиз қолиб кетди. Кундузлари шаҳар четидаги рассомчилик устахонасига бориб, уларга бирон буюртма тушган бўлса, ёрдамлашар, эвазига бироз чойчақали бўлиб қайтарди. Албатта, бу билан рўзғор қилиб бўлмасди, кундузи кўча-кўйда бирон коса иссиқ овқат еса, кечқурун қўлтиғига битта нон қистириб қайтар, бу нон кечки таом ва нонушта ўрнига ўтарди. Агар бирон сабаб бўлиб, кўчага чиқа олмай қолса, шу кун оч қоларди.

Бугун даромад унча яхши бўлмади. Оёғига пойабзал, устига кийим-бош олмоқчи эди. Қўлидаги арзимас пулни ғижимлаб, бозор айланиб юрганда ёмғир қуйиб юборди. Буёқда Нодира! Яна янги машина олишибди-да... Шанба куни келин туширади, дейишаётган эди...

Овқат бемаза эканми ёки тоби қочиброқ тургани учун егиси келмадими, уйда ҳеч нарса йўқлиги, емай туриб кетса, оч қолишини ўйлаб, ўзини зўрлаб-зўрлаб еди. Ёмғир тўхтагач, йўловчи машинага ўтириб, уйига кетди. Боши лўқиллаб оғриб турган эди, кечга бориб иситмаси кўтарилди, уч кун тўшак билан битта бўлиб ётди. Хонасининг деразасидан акасининг ошхонаси кўриниб турарди. Ўзлари қўл учида кун кўришса ҳам, янгаси билан келин ошхонадан чиқишмайди. Ўзиям янга бебаҳо аёл-да, бир ҳовуч нарсадан ҳам мазали егулик тайёрлай оладиган сеҳргарнинг ўзгинаси. Ётганининг учинчи куни болаларидан бир лаган хоним киритиб юборибди. Юпқагина қилиб ёйилган хамирнинг ичида турп, қўкат, пиёздан бошқа нарса йўқ, аммо бирам мазали, бирам мазали эдики, уни еб, кўкраги бироз кўтарилди. Эссиз, акасига қараб, гўзалдан гўзалроқ қиз танлаб юргунча, уйланса бўлар экан. Онаси шўрликнинг ҳам кўзи орқасида кетди. Қорни тўйган бўлса-да, кўнгли яна тўрт бўлаккина хоним истади. Шу хоҳиш баробарида ўғлининг тўйи ёдига тушди. "Дарвоқе, бугун якшанба. Тўй!". Ажриққа ағанаган итдай у ёққа ағанади, бу ёққа ағанади, кўнглидаги тўйга бориш истагини енга олмади. Тузукроқ ҳақ беришганда, бирон тўёна олиб борса, яхши бўларди. Ҳа, майли, Нодира унинг тўёнасига зорми? Катта бир фирманинг бошқарувчиси. Дастурхонларни тўлдириб ташлагандир...

Ўрнидан туриб, қўшни кўчада яшовчи холасиникига ўтди. Ўғилларидан биронтасининг кийимбошини олиб турмоқчи эди. Аксига олиб уларнинг уйида ҳам ҳеч ким йўқ экан. Уйга қайтиб борай деса, анча йўл, уч кунлик иситма силласини қуритган. "Э-э, нима бўлса, бўлар" деб, шаҳарга жўнаб юборди. Аммо ўғлининг кўчасига бурилиши билан бор журъатидан айрилди. Машинадан тушиб, кўча бошидаги кекса тутнинг соясига ўтди. Бу ердан Нодиранинг ҳовлиси аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Асаларининг уясидай биров кириб, биров чиқиб ётган дарвозага қараб узоқ туриб қолди. Бирон художўй таниш чиқиб қолиб, "Э, фалончибой, бу ерда нима қилиб турибсиз, юринг тўйга, отабола шундай кунда топишмасанглар, қачон топишасизлар?" деб, етаклаб кетишини орзулади! Танишлар ўтди, аммо ҳеч ким "Юр, ўғлингнинг олдига олиб борай", демади. Шу топда у ўғлини ҳам кўп ўйлаётгани йўқ эди. Ноз-неъматларга тўла дастурхонга қўйиладиган бир коса иссиққина ёғли шўрва кўз ўнгидан кетмасди...

Наргиза АСАДБЕК қизи

Дунёлардан бойдир кўнглимиз

* * *

Автобуслар елдек елади,
Тутиб тонгнинг оқ билагидан.
Юрагимга олиб келади,
Илинж Сизни ҳув Сирғалидан.

Билмам, нима боғлайди бизни,
Дил узолмас чиндан рўёси.
Ҳар саҳарда кечирсам Сизни,
Мени оқлар умид дунёси.
Йўлингизга кўз тикади йўл,
Фурсат билар ғанимат дамни.
Кечаларнинг манзиллари сўл,
Яхши кўргум мен субҳидамни.
Кўчам томон баҳонами иш,
Айтинг, чиндан собит эсангиз.
Бир йилда ҳам йўламайди қиш,
Ишонтириб "Севдим..." десангиз.
Тушда кечар бугун ўнгимиз,
Толе бизга кийдирмайди тож.
Дунёлардан бойдир кўнглимиз,
Бизда фақат илож йўқ, илож...
Автобуслар хўрсинар оғир,
Шом қораяр тилагингача.
Ортингиздан эргашиб ёмғир,
Кузатади Сирғалигача...

ТУШ

Тонг қорайган, юзлари шувут,
Тун ўзини тунда йўқотган.
Бефаришта энди бу ҳовли,
Кимдир унга зимдан ўқ отган.
Пешайвондан қулаган устун,
Акам боғда ўтин ёради.
Зуваласи турмуш муштидан
Онам уйда хамир қоради.
Қалдирғоч уйида мусича —
Ин талашар бир уйда қушлар.
Синглим дейди — лабимда учуқ,
Ростга ўхшар кечаги тушлар.
Тун ўзини оқлар қошимда,
Юрагимни эзганда бир қуй.
Нечун энди бунчалар ғариб,
Хиёнатни кўрмаган бу уй.
Ортидан жим боқиб йиғлайман,
Кетиб борар адашган одам.
Тушларимда дейман: "Бу йўлдан
Она, айтинг, қайтарми отам!".

АЁЛ

Бешикларда бўйга етди
Беруниийлар,
Алла айтди қанча
замон оналари.
Бу дунёга Темурдайин
зотни берган,
Қандай бахтли
соҳибқирон оналари.
Деманг, ўтмас аҳли
аёл снёсати,
Бир қанотда қуш учолмас,
йўқ имкони.
Билсангиз гар, Темурбекни
Темур қилган,
Уйидаги оқил-доно
Бибихоним.

БЕКАТДАГИ ОДАМ

Пардаларни очаман аста,
Ёлғизликнинг ранг-рўйи тимдир.
Жим боқаман, бекатда — пастда,
Хаёлимни олади кимдир.
Уловларга ошиқмайди ҳеч,
Ўйларига ботиб борар жим.
Сокин оқшом бағрида шу кез,
Балки уни кутмайди ҳеч ким.
Ёки уни чарчаттанми иш,
Хўрсинади оғирдан-оғир.
Қара, дея кўзлари таниш
Деразамни чертади ёмғир.
Одамлардан оғринганми у,
Ёлғизликни истайди шу дам.
Ё кимнидир соғинганми у,
Юқорига қарайди одам.
Лаҳзаларни чақмоқ урсайди,
Томчилардек сочилса, синса.
Кўрмадим деб юзин бурсайди,
Соғинчлари қалбимга инса,
Хонам томон бўйлаб у мушток,
Нигоҳимни боғлайди кўзи.
Минг йиллик дард тутади шу чоқ,
Соғинчимга айланар ўзи.
Имлайди у, пичирлар лаби,
Турналардек қайтолмаганим.
Ҳаётида ягона айби —
Севаман деб айтолмагани.
Қўлларини кўтарар пастда,
Ишқ сўрайди мендан девона.
"Пардаларнинг ёпма" — деб аста
Термулган у... энди бегона.

Муҳтарам газетхон, қўлингизда "Ёшлар овози"нинг навбатдаги саҳифаси. Ёшларга берилаётган бу минбар уларнинг изланишларига туртки беради, кичик бўлса-да, саъй-ҳаракатларининг натижаси сифатида улар қалбида рағбат уйғотади, албатта.

Аслида, бугунги навқирон авлод олдида очилаётган имкониятлар ҳавас қилгулик.

Интилган, заҳмат чекиб изланган йигит, қизлар санъат, адабиёт ва илм-фанда ўз йўлларини топиб олишаётир. Бу эса, қувонарли ҳол. Чунки ҳаёт давом этаётир, авлодлар ўрин алмашаётир. Миллатимиз маънавияти, маданиятининг энг долзарб, оммабоп соҳалари бўлмиш адабиётшунослик, адабий танқидга ҳам янги кучлар, навқирон авлодларнинг кириб келиши табиий жараён.

Ҳар қайси авлод ўзидан олдинги устозлар анъаналарини давом эттириш баробарида адабий-бадиий ҳодисаларга ўз қараши, тушунча ва талқини орқали муносабатини баён этади, ўзи маъқул топган таҳлил йўсинидан фойдаланади. Шу маънода, мазкур саҳифага жамланган мақола, тадқиқот, ихчам тақриз ва талқинларда соф илмий таҳлилдан кўра оммабоп тилда ифодаланган кузатишлар, муайян асарлар ёки тўпламлар мазмун-мундарижасини умумлаштириб эътироф этишга уринишлар устунроқ. Агар ҳар қандай асардан олган таассуротни мазмунлироқ ифодалаб беришнинг ўзи муайян қийинчилик туғдиришини инобатга олсак, қуйидаги ёш муаллифларнинг бу дастлабки чиқишлари, уларнинг ёши, тажрибаси, интилиши нуқтаи назарида, албатта, эътиборга арзирлидир.

Энг муҳими эса, ёшларда бадиий сўз сеҳрига қизиқишнинг, адабиёт илмига ҳавас ва ҳайратнинг борлигида. Илмий теранликка, таҳлил маҳорати ва таъсирчан чуқур таҳлилга эга бўлиш — бу уларнинг қунт ва қатъиятига боғлиқ.

XX аср ўзбек адабиёти

ТАГМАЪНОНИНГ ЗАЛВОРИ

Адабиётда ижодкорнинг эстетик мақсадини тўла ифода эта олиши жуда муҳим. Бадиий воситалардан ўз ўрнида фойдалана олиш ёзувчининг истеъдодидан далолатдир. Бу борада ижодкор учун қўл келадиган воситалардан бири, шубҳасиз, бадиий тафсил(детал)дир.

Бадиий тафсил деганда асар композициясига сингишиб кетган, қаҳрамоннинг ҳолатини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган муайян белги-ишора тушунилади. Бироқ асардаги ҳар бир тасвир бадиий тафсил бўла олмайди. Жумлага маълум эстетик вазифа юклангандагина юзага келадиган бадиий тафсил кам сўзлаб, кўп гап айтишга, халқона ибора билан айтганда, бир ўқ билан бир нечта қуённи уришга имкон беради. Қандай сўзлашни эмас, нимани сўзлашни биринчи ўринга қўйган ижодкор фиқрини лўнда қилиб бир неча сўз ёки жумлада беришга ҳаракат қилади.

Устоз адибимиз Шукур Холмирзаев ўзбек ҳикоячилигини Абдулла Қаҳҳордан кейин янги босқичга кўтара олган ижодкорлардан биридир. Асарларида воқеани мумкин қадар холис тасвирлашга, қисқа ифодалашга уринган бу сўз устаси ўзи "холис туриб кўрсатиш усули", деб атаган бадиий тамойилни санъат даражасига кўтарди. Рус танқидчиси В.Белинский прозага таъриф берар экан, жумладан, шундай дейди: "...Бу ерда шоир кўринмайди; пластик-муайян дунё ўз-ўзидан тараққий этади, шоир эса ўз-ўзидан вужудга келган ҳодисанинг фақат ҳикоячиси бўлиб қолади".

Шукур Холмирзаев бу шартга амал қилади ва асарларида бадиий воситалардан маҳорат билан фойдаланиш баробарида уларнинг сюжет йўлини бир маромда ушлаб, воқеаларни аста-секин ривожлантиради. Буни биз унинг "Ўзбекнинг соддаси" номли ҳикоясида ҳам кўрамиз. Ёзувчи "Бечора кўп содда, мард одам. Ўзбекнинг соддаси" бўлган Полвон бобонинг феъл-атворини холис туриб тасвирлаш учун зўр йўл топади: ҳикоя саккиз ёшлардаги болакай тилидан ҳикоя қилинади. Ҳали кўп нарсани изоҳлай олмайдиган, кўрганига ишонадиган болакай воқеаларни муаллиф истагандек — қандай кўрган бўлса, шундайлигича сўзлаб беради.

Ҳикоя қаҳрамони — болакайнинг отасини маҳалладошлари ҳурмат билан "Полвон бобо", деб чақиришади. Халқ ҳурматига эришган оқибатли, пок ва доимо бу одамга девкелбатлиги учунгина шу лақаб берилмаган. Курашчи полвонлар элимизда (хусусан, адиб ўсиб-улғайган муҳитда) ориятли, содда, жўмард, покдил инсон сифатида қадрланади, курашда ҳалоллик энг биринчи шарт саналиб, ғирромлик қилганларни даврага қўшишмайди. Бошқача айтганда, полвон мард, қатъиятли, бир сўзли, кўнгли очиқ инсон бўлиши керак... Полвон бобо ҳам содда, оққўнгил одам. У ҳақда "Бечора кўп содда, мард одам. Ўзбекнинг соддаси шу-ёв", дейишади. Ёзувчи қаҳрамон бола тилидан Полвон бобо ва унинг оиласи ҳақида шундай ёзади:

"Биз ёз оқшомлари алла-паллагача ғурунглашиб ўтирардик. Отамнинг ошналари келганда, мук тушиб, достон ўқишар, навбат билан дўмбира чертишар, момом ҳам қозон бошидан жилмасди. Эсимда: бизникилар, айниқса, "Алпомиш" достонини севишар эди. Юсуф деган бир танишимиз бўларди, уйга келдими, лўлаболишни ўмровига тортиб, шу достонни ўқишга бошлар эди. Мен жиддий қулоқ солиб ўтирар, кейин ухлаб қолганимни билмас эдим, эрталаб супа пастидаги ёғоч каровотда кўрардим ўзимни".

Демак, Полвон бобонинг ошналари шунчаки вақтни ўлдириш мақсадида эмас, дийдор истаб, кўнгил оламини бойитиш иштиёқида унинг уйига келадилар. Навбат билан дўмбира чертиб, достон айтаётган бу соддадил одамлар даврасида ўзбекона файзга тўла. Қозон бошидан жилмайдиган момо эса меҳмон келса суюнадиган, борини дастурхонга тўкиб, унинг хизмати учун тиним билмайдиган ўзбек аёлининг тимсоли. Хуллас, ёзувчи, бола тилидан берилган қисқа таъриф билан қишлоқ оилаларидаги гўзал анъаналарни ёдимизга солади.

Полвон бобо — бағрикенг инсон. Бировнинг кўнглини оғритишдан қўрқадиган бу камгап одамнинг биргина "Э!" деган гапида ҳам кўп афсус, надомат, қайғу бор. У ўзини алдамоқчи бўлаётган кимсаларнинг аслида, ўзларини ўзлари алдаётганидан куйинади. Буни тушунмаган нодонлар Полвон бобони гўё чув туширишади. У эса "Э!" дейди-ю ҳаммасини кечириб кетаверади. Сигирни ўзиники қилиб, "бўри еди"га чиқарган чўпоннинг ҳам баҳоси биргина — "Э!". Биз Полвон бободаги бу қадар чўнг ориятни унинг қишлоқ раисига бўлган муносабатида ҳам кўрамиз. Ҳикоя аввалида бола: "Зеҳним ўткир эканми, саводим чиқиб қолган, яъни отам айтиб турса, мен фактурасини ёзиб бораверардим", дейди. Бу далил иккинчи синф ўқувчисининг иқтидорини кўрсатишдан ҳам кўра, Полвон бобонинг савод масаласидаги нўноқлигини англатади. Қишлоқ раиси учун эса қаҳрамонимизнинг саводсизлиги айни муддао. Бундай "қурбон"лар аввал ҳам бўлганини унинг ўзи тан олади: "Яширмайман, мард одамсиз, тушунасиз... Бундай ишлар аввал ҳам бўлган". Бироқ "қурбон"ларнинг ҳеч бири раисга қарши бормаган. Полвон бобо эса арз қилишни номардлик деб ҳисоблайди. Аксинча, қаллобларнинг инсофга киришини кутади. ***"Мен айтдим айтгичимни, кампир. Номард экансан, ука. Майли, шу ўтирик пулди еб кет, лекин биринг икки бўлмасин. Бир куни сени болаларинг ҳам ота деб қолсин, дедим. Бўлди шу гап, кампир. Юракти бўшатдим. Агар ҳайвон эмас, одам наслидан бўлса, келади у — уккиғар!"*** Кўринадики, "саводсиз" деб ҳисоблаганимиз содда, бўш-баёв инсоннинг тафаккур қамрови, кўнгил олами биз ўйлагандан анча кенг. Полвон бобо инсонийлик мезонларини мардликда, ор-номусда, лафзга содиқ бўлишда кўради, айни пайтда, бу хислатлардан мосуво кимсаларга-да бешафқат эмас, уларнинг ҳам "одам наслидан" эканини тушунади. Кек сақлашни билмайдиган Полвон бобо учун муҳими борини бетга айтиб, "юракти бўшатиш".

Бу содда инсоннинг рафиқаси ҳам ўзидек ишонувчан, кўнгли очиқ. Сигирнинг оиласига қанчалик кераклигини билган аёл эрини молни қайтаришга ундайди. Бироқ хўжасининг лафзидан қайтмаслигини тушунгач, номард чўпонни қарғаш билан кифояланади. Сиз талаб қилмасангиз, мен талаб қиламан, деб чўпоннинг олдига ўзи довлаб бормайди.

Бу соддадил аёл эрини чин кўнгилдан ҳурмат қилади, унинг ошналари келганда елиб-югуриб хизмат қилишдан чарчамайди. Фақат нокаслар Полвон бобонинг дўлворлигидан фойдаланаётганидан куяди, бу ҳол оиласи бошига ташвиш келтиришидан хавотирланади. Шу боис, эри арз қилишни истамагач, "милисага боришни" ўз зиммасига олмоқчи бўлади. Муштипар аёл "...бу одам сельподан мунча пул олгани йўқ. Тузган бўлса, кўпияси ўзида бўларди-да!.. Бу одамни ўсал қилиб, ўзлари падлўк дакумит тузган, шунча пулни бунинг бўйнига урган! Текшириб кўринглар. Бунинг пактураларини ўғлим ёзиб берарди, униям келтириб сўроқ қилинглар, дейман!", деб борса, гўё ҳамма унинг гапига ишонишига, шу билан адолат қарор топишига ишонади.

Полвон бобонинг маънавий оламини кўрсатиш учун ёзувчи қишлоқ раисининг асл қиёфасини очиб беради. Раис тулпак, тирноқ ичидан кир излайдиган одам. Уни қаҳрамон бола шундай эслайди: ***"...у бурчак-бурчакда уюлиб ётган ёнғоқ, олмақоқи ва олчақоқилардан ҳовучлаб олиб ҳидлар, сўнг сочиб ташлаб, кафтларини бир-бирига уриб қоқар, кета туриб, менга қошини учириб қўяр эди. Лекин уйимизга ҳеч келмаган эди".***

Ҳикоя охирида — раис айбини тан олиб келганида Полвон бобонинг тўғри йўл тутганини тушунамиз. "...Лекин бирови ҳам ўзимга ҳавола қилиб кетмаган эди. Одамга таъсир қилар экан, мен ҳам одам боласиман...", дея айбига иқрор бўлади қишлоқ раиси. Ахир, Полвон бобо "Одам наслидан бўлса, келади" демаганмиди! Киши учун энг оғир жазо виждон азоби эканлигини яхши билган адиб раисни "мелиса"га топшириб, воқеани осонгина тугатиб қўймайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Шукур Холмирзаев ижодга кириб келган талабалик даврида ёқ асарларнинг шундай якунланишига қарши чиққанди. "...Ўзимизнинг адабиётда шу пайтгача ўқиган кўпчилик асарларимда агар шундай "махинатор" образи бўлса, унинг, албатта, "мелисага берилиши" ила асарнинг тугаши ва шу тариқа гўёки адолатнинг қарор топиши, демак, ўша лўттивоз ҳам қандайдир жазони ўтагач, тузалишига умид туғдирилиши — асосий мақсадлардан бири бўлиб келаётганини хушламас эдим. Ахир, адабиётда қаҳрамонга бериладиган жазо — маънавий бўлишлигига аллақачон ақлим етган эди", деб ёзади адиб хотиларида.

Шукур Холмирзаев сюжетни сўнгги нуқтасигача алоҳида диққат билан ишлайди, ҳар бир қиррасини тинимсиз тарашлайди. Натижада асардаги ҳар бир сўз, хатти-ҳаракат ёки буюм ўз замирига салмоқли маъно яширади. Ёзувчининг маҳорати кишини ҳайратга солади, асар жозибаси китобхонни ўзига тортаверади. Менингча, севимли адибимизнинг ижодий ютуқларидан бири ҳеч ким эътибор бермаган оддий ҳолатга ҳам катта маъно юклай билишда. Холис туриб баён қилиш тарафдори бўлган Шукур Холмирзаев асарлари орқали китобхонни воқеани кузатиш билан чекланмай, ўйлашга мажбур қилади. Адиб ҳикояларининг энг катта ютуғи ҳам шунда бўлса керак.

Отабек САФАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

"ХУБ ЭЛ БИЛА СУҲБАТ ТУТУБОН..."

Тадқиқот, ахборот

Тасаввуф таълимоти Шарқ фалсафасида асосий ўрин тутади. Дастлаб зоҳидлик кўринишини олган тасаввуф таълимоти кейинчалик маънавий, маърифий аҳамият касб этди ва бу асосан мумтоз шеъриятда кенг ифодаланди. Ўзбек ва форсий тилдаги мумтоз шеъриятнинг йирик намоёндалари — Рудакий, Амир Хусрав Деҳлавий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Боборахим Машраб ижодида тасаввуф таълимоти сўфиёна тимсолларда ташбеҳ қилинди. Асосан форсий мумтоз шеъриятда IX асрда пайдо бўлган маломатийлик йўналишининг хусусиятлари намоён бўлса, ўзбек мумтоз шеъриятида сўфийликнинг яссавия, кубровия, нақшбандия таълимотлари муҳим ўрин тутади. Кейинчалик эса маломатия маслагидан ажралиб чиққан қаландарлик, дарвешлик ва риндлик йўналишлари Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий шеъриятида ўз аксини топди.

Профессор Н.Комилов ўз тадқиқотларида тасаввуф таълимоти тарихи, фалсафасига эътибор қаратар экан, ўрта асрларда яшаб ижод этган Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий шеърияти орқали сўфийлик фалсафасини кенг таҳлил этади. Тожикистонлик шарқшунос олим Қурбон Восеъ эса ўз илмий изланишларида маломатия маслаги тарихи, фалсафасини тадқиқ қилади. Маломатия IX асрда Хуросонда пайдо бўлиб, маслак асосчиси Ҳамдуна Кассардир (вафоти 884 йил). Мазкур таълимот ўша вақтлари кассария ёки ҳамдуния деб ҳам юритилган.

Маломатия одамлар ҳар қанча маломат қилсалар ҳам хурсанд бўлиш, маломат орқали Оллоҳ наздида улуғлик топиш демакдир. Улар зоҳидлар ва сўфийлардан кескин фарқли ўлароқ, оддий одамлар каби либос кийганлар. Тақводор кўриниш учун салла ўраш ёки хирқа кийиш маломатийлар наздида риёкорлик белгилари ҳисобланган. Зеро, улар мурувватга муҳтож бўлганларга беминнат хайр-эҳсон кўрсатиш ва буни ўзгаларга билдирмасликка уринганлар. Улар наздида, кибру ҳаво, манманлик соликнинг камолот ва маърифатга эришишига тўсқинлик қилади.

Сулламийнинг "Рисолайи маломатия" асарини Қурбон Восеъ жиддий ўрганган. Мазкур рисолада келтирилган 45 қоида маломатийларнинг ахлоқ кодексидир. У бу таълимот йўлига кирган солик учун махсус қўлланма ҳисобланган. Шуниси диққатга сазоворки, ўша даврда яшаб, ижод этган мумтоз шоирлар ижодида ҳам маломатиянинг одоб-ахлоқ қоидаларига мос келадиган ғазал ва рубоийлар кўплаб учрайди.

"Рисолайи маломатия" асарининг биринчи қоидаси шундай бошланади: "Бу маслакка эргашувчилар зоҳирий ибодатни ширк, яъни гуноҳ деб билиб, ботиний ибодатни маъқуллайдилар". Зеро, улар наздида кўркўрона, кибрли ибодатдан кўра, қалбан, фикран Оллоҳга итоат этиш ва Уни жаннатга етиш иштиёқисиз, яъни таъмасиз севиш керак. Бу эса, маърифатсиз, риёкор шайху зоҳидлар қарашларидан кескин фарқ қилади. Алишер Навоий шеъриятини таҳлил этар эканмиз, мутаассиб диндорлар, маърифатсиз зоҳидларга қарши шоир кескин мисралар битганини кўрамиз. Мана, Навоийнинг машҳур рубоийси:

Зоҳид сенга ҳуру,
менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсун,
менга майхона керак.
Майхона оро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса, тўла ёна керак.

Зоҳид, сенга Қуръони каримда ваъда қилинган жаннатнинг ҳурлари керак бўлса, мен одам ва оламни яратган Ҳақнинг жамолини кўриш иштиёқида ёнаман. Жаннатни сенга бердим, майхона — сир-асрор, маърифат тўла бу оламда соқий, яъни мени маърифатга бошлайдиган пир, устоз билан паймонам тўлгунча, умрим охиригача Оллоҳ ишқида ёнишга розиман, дейди шоир.

Ёки мана бу мисраларга эътибор беринг:

Май мени қилди риёи
порсолиқдин халос,
Порсолиқ йўқки ужбу
худнамолиғдин халос.
Хонақаҳ аҳли йўлиқса
мастликдин тонимон,
Шукрким бўлдум аларға
ошнолиғдин халос.

Шоир нима демоқчи? Маълумки, май тимсоли тасаввуф шеъриятида маърифатга интилиш маъносида келади. Порсолик эса, бу — тозаланиш, покланиш. Шоир лирик қаҳрамони маърифат туфайли риёкорлик, худнамолиғдан, яъни замонавий тил билан айтганда, эгоизмдан халос бўлдим, дейди. Маърифат туфайли, хонақаҳ аҳли, яъни риёкор шайху зоҳидлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан қутулдим, дейди баралла шоир.

"Рисолайи маломатия"нинг олтинчи қоидасида шундай дейилади: "Улар жафо кўрсатганларга мулойимлик, сабр-тоқат, хокисорлигу узрхоҳлик билан жавоб берурлар ва ҳеч қачон ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермайдилар; ёмонликни яхшилик билан қайтар деган оятга амал қиладилар". Бу тушунчалар, ўз навбатида, ўзбек ва форстожик мумтоз шоирлари ижодида ўз аксини топгандир. Жумладан, Алишер Навоий ёзади:

Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

Ўз даврида Алишер Навоий шариат ва тариқат илмида бот-бот тилга олинган "нафси аммора" туфайли юзага келадиган ёмон хислатлар, бадхўйликни рад этади, эзгулик, яхшиликни эса инсон ҳусни, дея таъриф этади:

Кўнглунгни орит барча
ёмон хислатдин,
Ким яхши қилиқ далил
эрур раҳматдин;
Бадхўйлик ул ваҳшат
эрур шиддатдин,
Ким, элга халослиқ
йўқ ул ваҳшатдин.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижодида наинки нақшбандия-хожагон тариқати, балки шоир яшаган даврдан илгари фаолият кўрсатган тасаввуф таълимотининг бошқа йўналишлари таъсирини ҳам кузатиш мумкин.

Робия КАМОЛЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси

ҚАНОТБАХШ НАФАС

Тақриз

Шеърият — ҳаётнинг ўзидек мураккаб, ҳаётнинг ўзидек сўлим, гўзал ва дардчил, бетакрор ва юракларга яқин. Бу жозибали оламда уйғоқ туйғулар гоҳида мунг ила, гоҳида шиддаткорлик билан юрагимизга киришга шайланиб туради. Юрагимиз бу интиқ уйғунликдан қувватланади.

Мен ёш шоира Фароғат Худойқулованинг ижодини анчадан бери кузатиб келаман. Унинг шеърий мисралари беихтиёр шууримда айланаверади.

Биз юрмаган йўллар кўп ҳали,
У йўллардан ўтмоғимиз шарт...

Фароғат Худойқулованинг "Ойдинлик" номли китобидаги (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008) ҳар бир шеър самимийлиги, туйғулар тиниқлиги, чинлиги билан ўзига асир қилади. Гўё кимдир менга: озори чексиз, машаққати кўп, фароғати эса чин инсонликка элтадиган ойдин йўл — Ҳақиқат... Гўзал, эзгу нурга ҳақиқатсиз етиб бўлмайди, дейди ва ўзининг ёрқин, жарангдор овози билан чорлайверади:

Қушиқларин тинглаб дунёнинг,
Энг маҳзун куйин танладим.
Халқнинг йўли Ҳақ йўли экан,
Фақат буни кечроқ англадим...

Шоиранинг ҳамдарди — юраги. Юрак билан дардлашганда беписанд, бепарво қолиб бўлмайди. Зеро, унинг мисралари мисоли қўқдан ниб, ердан униб чиққан майсалар каби яшовчан таассурот уйғотади. Эҳтиросларнинг тошқини ўз оқимига тортади:

Баҳор келмай туриб, сой ҳам йиғлади,
Ҳар гиёҳ, ҳар тошу лой ҳам йиғлади.
Аслида мен ёлғиз йиғламоқчийдим,
Кўрпамга кирволиб ой ҳам йиғлади.

Шоира ҳаётнинг чин маъносини англагани сайин, жон томирларига туташ шу заминга, заҳматкаш элига жонфидо муҳаббатни туяди. Бу муҳаббатни у ўзи ишонган туйғулари жилосида кўради.

Ахир, бугун бардошим етар,
Тўлдирмоққа бахтимнинг камин.
Кимлар яқин билар осмонни,
Майли, мени чорла сен замин.

Шоира ташбеҳларни қўллашда теран халқчил ибораларга таянади. Тийрак нигоҳи билан фақат ўзи ҳис этган сезимлар орқали ҳолат, кайфиятларни юракни ўртайдиган рангин ҳислар воситасида тасвирлайди:

Бобом кетди, чўкиб осмонлар қолди,
Қалдирғоч киролмай айвонлар қолди.
Юзлари бужмайиб ишкомда узум,
Бурчакда букчайиб нарвонлар қолди.

Шоира лирик қаҳрамони ҳаёт гўзаллигига ошуфта. У дунёнинг оқ рангда жилваланишини, башар аҳли бахтли яшашини истайди. Аммо ҳаёт мураккаб, гўзаллик, эзгуликни ҳар доим ҳам ўз аслича қабул этавермайди. Лирик қаҳрамон эса, энг нозик вазиятларда ҳам кўзига умидни сиғдира олади. Ҳа, мардонавор руҳ, катта умид, умид ортидаги ойдинликка ишонч шоиранинг ўзига хослигини далиллайди. "Мени енгаман деб ўйлама ҳаёт", "Кўкни севган оққушдир умрим", "Шамол бўлиб шошаяпман", "Ҳар заррамда осмон яширин", "Юксалмоқни ўргатинг менга", "Бир кун уммонларга қўйилгаймиз биз" мисралари шундан далолатдир.



"Ойдинлик" китобига ёзган сўзбошида таниқли шоира Қутлибека Раҳимбоева: "Менга бу шоиранинг бақувват руҳи ёқади. Фароғат нима учун, қандай сўзни айтиш учун шеърият дунёсига кираётганини билади. Мақсад аниқ бўлса, йўловчи адашмайди", дейди.

Чинлик нурини севувчи шеърият ихлосмандларига Фароғат Худойқулованинг янги китоби манзур бўлади, деб ўйлайман.

Дилноза МУРОТОВА,
Олий адабиёт курси тингловчиси

Ёшларга қанот

ҚАЛБ ТАРЖИМОНИ

Инглиз шоири Жорж Байрон адабиёт оламида ўзидан ўчмас из қолдирган ижодкорлардандир. Унинг бир қатор шеърлари, "Шийлон тутқуни", "Манфред" сингари драматик достонлари ўзбек тилига таржима қилинган. Шоирнинг ўзбек тилига ўгирилган шеърларида, асосан, ўз "ички мен"и акс этган. Шеърлари орқали унинг дунёга, инсонларга, муҳаббатга муносабати ёрқин ва таъсирчан акс этган.

Байрон шеърларида муҳаббат, тушкунликка берилиш, айрилиқ ҳолатлари бадиий талқин этилгани билан, жозибадорлиги ва самимийлиги боис, бошқа машҳур шоирлар асарларига яқин туради. Шу ўринда шоирнинг "Айрилиқ" шеъридаги охирги мисраларни эслаш кифоядир.

Агар яна висолга
Ёр этса толе мени.
Кўз ёш ва сукут билан
Қарши олардим сени.

Ушбу мисралар мазмунича, ёр ошиқ олдига қайтиши мумкин, лекин ошиқ уни қувонч билан эмас, балки кўз ёши ва сукут билан қарши олади. Мана шу кўз ёши ва сукутда ошиқ қалбидаги самимий муҳаббат яширинган.

Байроннинг яна бир шеъри "Видо" деб номланади.

Сен ишонким, севги ўтини
Ёлғиз йиллар синдира олур,
Аччиқ ғазаб икки юракни
Ажратолмас ва отсиз қолур

Шу сезги сенда ҳам сақланур
Севиб ёнмоқ қисматдир менга
Бир ўй билан юрагим ёнур:
Энди доим ётдур мен сенга.

Байрон унутилган, ташлаб кетилган ошиқ ҳолатини, кайфиятини ана шундай тасвирлайди. Йиллар ўтса ҳамки, қалбида ғазаб ўти ёнса ҳамки, барибир ошиқ ўз севганини унута олмайди, яъни йиллар ҳам, нафрат ҳам, ғурур ҳам чин муҳаббат олдида бош эгади. Шоир ҳолатнинг бетакрор бадиий талқинини беради. Шу маънода уни қалб таржимони дейиш мумкин.

Ўз фалсафасига эга ижодкор сифатида Байрон шунчаки ҳаётнинг оддий ҳодисалари ҳақида ёзмайди, балки у қаламга олган мавзулар ижодкор шахсиятидек юксак ва терандир.

Байрон асарлари инсонни ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Унинг шеърлари ўқувчига кучли таъсир қилади. Буни шоирнинг ижод оламида бошқаларникига ўхшамайдиган ўзига хос йўли борлиги билан изоҳлаш мумкин.

Дилноза КОМИЛОВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

РОСТГЎЙЛИК

Китобингизни ўқидим

Саъдулла Сиёевнинг "Менинг хўроз қувганим" китобини илк бор қўлга олганимда, болаларга атаб ёзилган бўлса керак, деб ўйлагандим. Аммо ўқиб чиққанимдан сўнг фикрим ўзгарди. Қўлимга қалам олдим.

Аввало, "Менинг хўроз қувганим" китоби ўқувчига нима беради? Муаллифнинг ютуғи нимада? Шундоғам турли-туман савиядаги китоблар толиб-тошган пештахталарда бу асар чанг босиб қолмасмикан, дея ўйладим.

Саъдулла Сиёевнинг ушбу китоби ихчамгина, аммо ўзида кишиларнинг дарду армонларини акс эттира олган. Ҳикояларда анъанавий усулдан бироз чекинилган. Уларни ўқий туриб, нима билан тугашини билмайсиз. Ана шу жиҳат ўқувчини ўзига тортади.

Тасвирлар жонли, воқеалар ҳаётий, ҳар бир образ ҳикоя давомида ўз умрини яшаб ўтади. Китобда жамланган ҳикоя ва ҳажвияларда "Ҳаёт — инсон учун бир имтиҳон, ҳамма гап ўша имтиҳондан мардона ўта олишда", деган ғоя илгари сурилган.

"Сўзимни сотиб олдим" ҳикоясида тилёғламалик, "Нексия"нинг илдизи"да порахўрлик, "Зорийнинг адабини бердим"да андишасизлик сингари иллатлар, "Менинг хўроз қувганим" ҳикоясида эса, инсон қадр-қиммати қулгули воқеалар орқали таъсирчан очиб берилади.

Ҳажвиянинг тури кўп: киноя, кесатиқ, лўқма, ҳазил, ҳангома ва бошқалар. Адибнинг кўп ҳажвиялари коса тагида нимкоса тарзида ёзилган.

"Бировнинг пўстини" ҳикоясида бугунги айрим театрлар мухлисларнинг маиший талабига мослашиб бораётгани кўрсатилган бўлса, "Ухлатадиган дори" ҳажвиясида баъзи ноинсоф шифокорлар ҳажв тиғига рўпара қилинади. "Ёлғончининг рост гапи"ни ўқиганда эса, Ғафур Ғулом нинг "Шум бола"си ёдга тушади, беихтиёр юзингизга табассум югуради.

Ҳикояларда ёзувчининг наинки ички дунёси, унинг ўй-хаёллари, балки ҳеч кимга айтолмаган сирлари яширинганга ўхшайди. Бир қарашда енгил кулгу уйғотадиган воқеалар, қаҳрамонлар ҳолати ҳақида чуқурроқ мушоҳада юритсангиз, улар сизни маънолар оламига етаклайди. Ҳикояларнинг ўқувчи кўнглига бунчалик тез кириб бориши улардаги ҳаётийлик, замон нафаси сезилиб турганида бўлса керак.

Китобнинг иккинчи қисми "Устозлар ёди" деб номланган. Ундаги туркум ҳикоялар ўқувчида устозларга нисбатан ўзгача меҳр уйғотади. Шунингдек, адабиётимиз дарғалари бўлган машҳур ёзувчилар ҳақидаги тасаввурингизни янада бойитади. Улар тимсолида инсон атрофдагиларга ёрдам бериб яшаши кераклигини тушунасиз. "Устозлар ёди" туркуми, шубҳасиз, ўзбек мемуарчилигининг яхши намуналаридан бири, дейиш мумкин. Бу қизиқарли ёдномаларни мароқ билан ўқийсиз.

"Атиргулнинг бир ҳовуч ҳиди" туркумидан эса, ёзувчининг XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тўла ва улуғ актёр Шукур Бурхонов ҳақидаги хотиралари ўрин олган. Улардаги меҳр-муҳаббатга йўғрилган эсдаликлар ўқувчида илиқ таассурот қолдиради.

"Соҳибқирон етолмаган манзил" асари мантиқли, таъсирли якунлангани билан ажралиб туради. Муаллиф асар якунида шундай ёзади: "...бу кўҳна олам бир қўналға, бир карвонсарой. Бас, шундоқ экан, нечун баъзида кўпикдек омонат ҳою ҳавасларга зиёда кўнгил қўямиз? Нега бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмаймиз? Мунофиқлик, такаббурлик, ёлғон сўз орқали роҳат кўзламоқ гуноҳи азим эканлигини нега англамаймиз? Бировнинг асабини қақшатгандан кўра бир оғиз ширин калом билан унинг маҳзун кўнглига чироқ ёққан афзал эмасми?"

Бу китоб, аслида, ҳар бир ўқувчи учун ҳаётий сабоқ вазифасини ҳам ўтайди. Ҳажвиялар иллатлардан халос бўлишга кўмаклашса, устозлар ҳақидаги ҳикоялар китобхонни инсонийлик мартабаси сари етаклайди. Зеро, ростгўй асарлар ана шу жиҳати билан қадрланади.

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

Саҳифани Носиржон ЖЎРАЕВ ва Алишер ОТАБОЕВ тайёрлади.

УСТОЗОДА САНЪАТКОР

Мусиқа инсон руҳиятини, маънавиятини бойитади. Шунинг учун ҳам бу соҳа кишилари эл-юрт ардоғида, халқ эъзозида бўладилар. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли санъаткор, чангчи Темурхон МАҲМУДОВдир.

Т.Маҳмудов Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида, зиёли оилада дунёга келди. Отаси Аҳмаджон Маҳмудов қушиқсевар ҳарбий хизматчи, онаси Ҳафизахон Ҳолмуҳамедова эса санъат соҳасининг моҳир усталаридан бири бўлиб, Москвадаги санъат институтида таҳсил олиб қайтган эди. Халқимиз "Қонида бор...", "Асли зотига тортибди..." деб бежиз айтмайди. Темур Маҳмудовнинг бобоси Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовдир. Шунинг учун ҳам уларнинг оиласида санъат дарғалари — Маъмуржон Узоқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Жўрахон Султонов, Ғанижон Тошматов, Юнус Ражабий, Карим Зокиров, Холхўжа Тўхтасинов каби созандаю хонандалар йиғилишар, қўшиқ ва куй ҳақида суҳбатлашардилар. Ана шундай ижодий муҳит Темурхонни ёшлигидан мусиқага ошуфта этиб тарбиялади.

...Мўъжазгина синфхонада жажжигина, оқ-сариқдан келган бир бола:

"Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига

Ҳиди келса, маст бўлайлик, ҳандалакнинг бўйига... — дея қўшиқ айтганида мусиқа ва ашула ўқитувчиси Ҳуррият опа Ражабова ҳаяжонланиб: "Темурхон болам, сен келажакда катта инсон бўласан. Сендан ажойиб созанда-чолғучи чиқади. Баракалла! Илоҳим бобонг каби бўлгин", — деб пешонасидан ўпиб қўйди.

Т.Маҳмудов Нагая шаҳрида япон дўстлари даврасида.

Мактабни битиргач, Т.Маҳмудов аввал Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, сўнгра консерваторияда ўқиди. Бу ерда Аҳмаджон Одилов, Фахриддин Содиқов сингари чангчи, бастакор устозлар қўлида таҳсил олди. Мақом йўналишидаги асарларни яхшироқ тушуниш, ўрганиш ва бу соҳадаги билимларини орттириш мақсадида Тошкент давлат университети (ҳозирги М.Улуғбек номидаги Миллий университет)нинг икки йиллик форс ва араб тиллари курсини ҳам муваффақиятли тугатди.

Темурхон ака меҳнат фаолиятини мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлаган эди. Кейин Муқимий номидаги мусиқий театрида созанда бўлиб ишлади. 1973 йили у устоз санъаткор Ғанижон Тошматов таклифига биноан Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси қошидаги Уйғур ансамблида, сўнгра академик Юнус Ражабий таклифига кўра Мақомчилар ансамблида созанда ва мусиқа раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди.

Темур Маҳмудов қай даргоҳда ишламасин, мухлисларни ҳамиша ижодидан баҳраманд этиб келди. Устоз санъаткор шогирдларига фақат созандаликдан сабоқ бериб қолмай, уларга мусиқа атамаларидан тушунчалар беришга ҳам ҳаракат қилади. Моҳир созанда, хусусан, "композитор" ва "бастакор" атамаларининг фарқи ҳақида, қўшиқ ҳақида шундай дейди: "Аслида иккисининг ҳам маъноси бир. Куй басталовчи. Бироқ машҳур уста санъаткорлар Ғанижон Тошматов, Иномжон Икромов, Комилжон Жабборов, Муҳаммаджон Мирзаев кабиларни "бастакор" деймиз. Чунки улар яратган куй пардалари айнан нотадагидек ижро этилса, қуруқ ва ширасиз бўлиб қолади. Шунинг учун бу куйлар ижроси созандадан чуқур билим ва малакани талаб этади.

Фидойилар

Қўшиқ ва ашула сўзлари ўртасида ҳам фарқ бор.

Қўшиқ нақаротли бўлиб, ашулада эса бу нарса бўлмайди. Ашуланинг даромади, авжи, ўрта даромади бўлади".

Темур Маҳмудов устоз кўрган санъаткор. У устозлари — Аҳмаджон Одилов, Фахриддин Содиқов, Салоҳиддин Тўхтасинов, Турғун Алиматов, Ғанижон Тошматов, Орифхон Ҳотамов каби эл ардоғидаги санъаткорлардан мусиқа сирларини чуқур ўрганди ва шогирдларига ўргатди. Шогирдларидан Зулайҳо Бойхонова, Ҳуррият Исроилова, Тожибар Азизова, Мирзабек Азизовлар ҳозирда халқ тилига тушган санъаткорлардир.

Темур ака хизмат қилаётган Глиэр номидаги махсус академик лицейда таҳсил олган ва олаётган кўплаб ўқувчилар ўз йўналиши бўйича республика, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур бўлмоқдалар. Бунда республикамизда ўтказиб келинаётган Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Муҳиддин Қориёқубов, Абдулазиз Абдурасулов, Комилжон Отаниёзов хотираларига бағишланган, "Ниҳол" ва "Келажак овози" каби кўрик-танловлар, шунингдек, жойларда болалар мақом ансамбларининг ташкил этилиши, шу йил бошида "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган давлат Дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармойишининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозиргача унинг шогирдларидан Санобар Сатторова, Шаҳзод Жўраев, Ҳуршида Раҳмонқулова, Зайнаб Худоёрова, Нодира Абдураҳмоновалар "Келажак овози" танлови ғолиби бўлганлари устоз меҳнатларининг самарасидир.

Истиқлол шарофати билан Темур Маҳмудов Ҳиндистон, Франция, Англия, Германия, Испания, Голландия, Белгия, Швецария, Япония, Жанубий Корея, Индонезия каби мамлакатларда бўлиб, катта концертларда қатнашди. 1995 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтган "Истиқлол" фестивалидаги театрлаштирилган концертда Т.Маҳмудов тайёрлаган "Қиз чорлар" дастури кўрсатилди. Индонезия аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлганлиги учун Темур ака дастур намойишидан олдин саҳнада туриб Қуръон тиловат қилди. Уч мингга яқин томошабин тиловат сўнгида "Омин!" дея юзларига фотиҳа тортишди. Фестивалда биринчи ўринни олган ўзбекистонлик санъаткорларга ҳайъат раиси иккита мукофот ажратди. Бири ғолиблик учун бўлса, иккинчиси Қуръон тиловати учун эди.

Устоз санъаткор камтар, самимий, меҳмондўст ва меҳрибон инсон. Унинг шогирдлари қатори дўсту ёрлари ҳам кўп. Устоз хонадонида Америка, Япония, Жанубий Корея каби хорижий мамлакатлар санъатсеварлари тез-тез меҳмон бўлиб туришади. 2000 йили Таняхоним исмли америкалик қиз Темур ака хонадонига ташриф буюрди. Устоздан ўзбек халқининг севимли қўшиғи "Тановар"ни ўрганди ва ижро эта бошлади. Соф ўзбек тилида сўзлашадиган бу қиз ош қилишни ҳам ўзлаштириб олди.

Моҳир созанда турли рисолалар, ўқув қўлланмалари муаллифи ҳамдир. Мусиқа мактаблари учун яратган "Она юртим" ўқув қўлланмаси фикримиз далили бўла олади. Темур ака Англиянинг Лондон шаҳри мусиқа мактабларидан бирига чанг созини совға қилди. У чалган чанглардан бири Юнус Ражабий уй-музейида ҳам бор.

— Менинг энг бахтли кунларим — биринчи марта устозимнинг қўлимга чанг созини тутган, биринчи фарзандим ва биринчи набирам туғилган кунлардир, — дейди Темур ака. — Ҳозир фарзандларимиз эгнида спорт кийимлари, елкаларида спорт сумкалари бўлгани каби ҳар бир ўғил-қизнинг қўлида миллий мусиқа созлари (доирами, дутормми, рубобми, танбурми, найми...) бўлишини орзу қиламан. Шу созлар орқали миллатимиз санъатини дунёга ота-боболари, устозларидан-да кенгроқ, баландроқ ва ёрқинроқ тараннум этишларини истайман.

Биз ҳам устазода санъаткор Темур Маҳмудовга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, миллий мусиқамиз довруғини янада юксак поғонага кўтаришда толмай кучғайрат тилаймиз.

Дилрабо ОБИДОВА

ЗАҲМАТКАШ

Телевидение рассоми Саидакмал Расулов ижодига бир назар



Ўтган асрнинг ўрталарига келиб телевидение ижодий жамоасига янги авлод кириб кела бошлади. Улар ичида ёш, навқирон рассом, Педагогика институтининг графика бўлимини тугатган Саидакмал Расулов ҳам бор эди. Ўзбекистон телевидениесининг кейинги қарийб қирқ йил ичида эфирга узатилган бадиий телевизион спектакллари, сериаллар, асосий кўрсатувлар шу рассом ижоди билан боғлиқ десам, хато қилмайман.

Саидакмал Расулов ўз иқтидори, маҳорат даражаси, телевидение санъатининг сир-асрорини яхши тушуниши, миллий удум ва анъаналаримизни яхши билиши билан бошқа рассомлар ичида етакчи ўринни эгаллади. Рассом ижоди шу телевидениеда шаклланди ва камол топди. Узоқ йиллар телевидение рассомларининг сардори бўлди. Ҳозирда олтин фондда сақланаётган қатор телевизион спектакл ва видеофилмлар шу рассомнинг тафаккури, тасаввури орқали саҳналаштирилиб экран юзини кўрди.

Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Мақсуд Юнусов томонидан яратилган "Навоий" (Ойбек), "Бобур" (П.Қодиров), "Кеча ва кундуз" (Чўлпон), "Ичкуёв" (Турғун Пўлат), "Мирзо Улуғбек" (О.Ёқубов) ва бошқа қатор асарларидаги ижодий ишларини зангори экран орқали томоша қилгансиз. Улардаги декорация ва либослар рассом тарихий манбаларни, тасвирий ашёларни чуқур ўрганганлиги, студия ва табиат қўйнида олинган саҳналар ўзаро уйғунлиги, либосларнинг ўз замонига монандлиги билан ажралиб туради. Телевидение санъати деталларни яхши кўради. Рассом ана шу деталлар устида кўп бош қотиради. Режиссёр ўйлаган режани тўлақонли амалга оширишга ҳаракат қилади. Ҳар бир йирик асар ишга тушиши олдидан ижод машаққатларини бошдан кечиради, изланади.

Ёш муаллиф Азимжон Азизов қаламига мансуб "Нейрон операцияси" телевизон спектаклини саҳналаштирганимизда, саҳна либослари ўз услуби билан ажралиб турарди. Рассом жарроҳ хонасининг образли ифодасини, романтика жанрига қурилган лавҳанинг тасвирий ифодасини усталик билан топа олган эди.

Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" телевизион сериалини тасвирга олиш жараёнида рассом билан бирга ишлашга тўғри келди. Худоёрхон давридан қолган обидалар, арк, ўша даврга хос хонадонлар кам сақланган, бор бўлса ҳам асл ҳолини йўқотган. Шу жойларни топиш учун Қўқон ва унинг атрофини кезиб, ўрганиб чиқишга тўғри келди.

Солиҳ Маҳдумнинг ҳовлисини Ҳамза уй-музейида, Анвар билан Раъноннинг Қўқонни тарк этиш жойини Мўйи Муборакда, Мирзахоналарни Аркнинг ўзида мослаштиришни лозим кўрдик. Хонликнинг жин кўчаларини топиш осон кечмади. Ҳатто севги изҳори саҳнасини Қодирий хонадонидан — ишкомли гулзордан топдик. Уйдаги токчада турган идиш-товоқдан тортиб, ҳовлидаги нарсаларгача унинг нигоҳидан қочиб қутилмасди. Ҳар бир саҳнани, олинаётган лавҳани кадрга мослаштириш, тарихий ҳақиқатнинг бузилмаслигига эришиш лозим эди. Рассомнинг бу изланишларидан, бадиий тимсоллар яратишидан, саҳна кўриниши меъёрга етмагунича жон куйдиришидан режиссёр сифатида ҳайратга тушардим. Ўзига нисбатан талабчанлик, касбига кучли меҳр, композиция, ракурс ҳақида бош қотириш, етти ўлчаб бир кесиш Саидакмалга хос хислатдир. "Амир Музаффар", "Қўшчинор чироқлари" ва бошқа телевизион спектакларни тайёрлаганда ҳам шу хислатларнинг шоҳиди бўлганман.

Саидакмал Расуловнинг лойиҳа — эскизлари асосида телевидениеда кетган муҳим кўрсатувлар, телевизион марафонлар, янги йил базми, Наврўз байрам дастурлари, телефестиваллар ижодий жамоанинг мақтовларига сазовор бўлган, матбуотда қайд этилган. У 1985 йилдан буён Бадиий академия қошидаги рассомлар уюшмасининг аъзоси, бир неча бор халқаро, республика ҳамда шахсий кўргазмаларни ташкил қилган рассомдир. Саидакмал Расулов театр соҳасида ҳам ижодий изланишлар олиб борган. "Соҳибқирон"ни Ўш театрида, "Гулбаҳор қани"ни Гулистон театрида, "Муҳаббат қасри"ни Қўқон театрида саҳналаштириб, жамоатчилик кўригидан ўтган.

Ҳозирги вақтда С.Расулов Ўзбекистон давлат Санъат институтида педагог сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Саҳнани безатиш санъатидан дарслик яратиб, илмий-ўқубий ишлари билан мутахассислар тарбиялаш ишига ҳисса қўшмоқда.

Маҳкам МАҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби

"ЖАВОҲИР"НИНГ ДОВРУҒИ

Хоразмлик машҳур Бола бахши — Курбонназар Абдуллаевнинг фарзанди — Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек Абдуллаев ижросидаги қўшиқлар матни ёзилган "Жавоҳир" компакт диски жаҳонинг ўттизга яқин мамлакатларига тарқатилди.

— Асрлар оша бизгача етиб келган, юракларга жўшқинлик, қалбларга шодлик, билакларга куч-қувват ато этувчи ашулаларни жавоҳирдан бошқа яна нимага қиёс қилиш мумкин, — дейди Норбек бахши. — Раҳматли падари бузрукворимиз халқ термалари, лапарлар, яллалар, достон-қўшиқларни ҳақиқий дурдона, жавоҳир деб атар эди. Шу номни танлаб, отамнинг руҳини ҳам шод этдим, десам янглишмайман.

Норбек Абдуллаевнинг 14 ашуладан иборат "Жавоҳир" диски белгиялик мусиқашунос жаноб Эди томонидан тасмаларга ёзиб олинган. Жаноб Эдининг ўзи асли ўқитувчи. Узоқ йиллардан буён жаҳон халқлари фолклор қўшиқларини йиғиб келади. Кейинги йилларда махсус студия очиб, лицензия асосида аъло сифатли ёзилган дискларни жаҳон бозорлари бўйлаб тарқатмоқда. У "Жавоҳир" дискини дастлаб 1200 нусха тарқатди. Ҳозир талабларга кўра яна унинг нусхаларини кўпайтирмоқда. Жаноб Эди бунинг учун муаллифлик ҳуқуқлари доирасида олдиндан Норбек Абдуллаев билан ўзаро шартнома асосида иш олиб боряпти. Дискдан "Шоҳсанам ва Фариб", "Гўрўғли", "Ошиқ Маҳмуд", "Хирмондали", "Бозиргон" достонларидан парчалар, "Пешров", "Алиқамбар" куйлари, халқ термалари ва Норбек бахшининг ўз қўшиқлари ҳам ўрин олган.

Хива шаҳридаги "Достон" фолклор-этнографик дастасига етакчилик қилиб келаётган Норбек бахши Абдуллаев шу кунларда Хоразм достонларини тўлиқ ҳолда дискларга ёзиб олиш устида изланиш олиб боряпти. Ўзи яшаётган "Тоза боғ" маҳалласида ўтадиган маданий-маърифий тадбирларга ҳамиша бош-қош. У маҳаллада ёш достончилар ҳаваскорлик жамоаси ташкил қилиш ниятида. Яқинда Туркияда шоир Юнус Эмро хотирасига бағишланган Ўрта Осиё бахши-шоирлари фестивалида Ўзбекистон вакили сифатида қатнашиб қайтгани ҳам унинг ноёб куй-қўшиқларимиз, миллий қадриятларимиз равнақига баракали ҳисса қўшаётганидан далолатдир.

Абдулла САФОЕВ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят драма театрда "Ниҳол" мукофотининг вилоят кўрик танлови бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра Дилшод Каттабеков (эстрада), Шерали Усмонов (мақом), Дилмурод Тожибоев (мусиқа), Назокат Абдумўминова (рақс йўналиши бўйича) биринчи ўринга муносиб топилдилар.

М.КАРИМОВА

* * *

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театри жамоаси "Мусиқа қушандалари" спектаклини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Ёшлар ва ўсмирларни азалий қадриятларимизга, миллий мумтоз куй-қўшиқларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашни тарғиб этувчи асар муаллифи Асрор Жумаев, саҳналаштирувчи режиссёр Зайниддин Омонов. Спектакл руҳига мос саҳна безакларини рассом Зокиржон Қобилов яратган.

Асосий ролларни театрнинг етакчи актёрларидан Гулнора Ризаева, Отабек Мардонов, Ўткир Очилов, Нигматулло Салимов, Баҳром Нарзиев ва ёш актёрлар талқин этмоқдалар.

А.ҲОШИМОВ,
М.ТОШЕВ

СУРАТДА: Спектаклдан лавҳа.

ЯНГИ СПЕКТАКЛ

Куни-кеча Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азим қаламига мансуб "Синфдошлар ёки куёвликка номзод" спектаклининг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди.

Асар муаллифи ҳар бир инсон умри давомида яхши ном қолдириб, инсонийлик бурчини адо этиб, эл-юрт, она Ватан ва унинг келажаги учун меҳнат қилиб, ёш авлодга ўрнак бўлиши тўғрисида ўз қаҳрамонлари орқали фикр юритади. Мавзу ўта долзарб, асар томошабинларни фикрлашга чорлайди, оқ-қорани ўзлари ажратиб олишларига имконият яратиб беради.

Театр ижодкорлари асарни комедия жанрида саҳнага қўйиб, қаҳрамонларнинг хилма-хил ички ва ташқи қиёфаларини эсда қоларли нозик бўёқларда очиб берганлар. Мазкур ижодий изланишда таниқли композитор Аваз Мансуровнинг хизмати катта бўлди. У ҳар бир қаҳрамоннинг аниқ мусиқий мавзусини топишга ва асарнинг ғоявий йўналишини мусиқа орқали ёритишга эришган. Саҳналаштирувчи рассом, Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр Тўраев изланишларини ҳам эътироф этиш лозим.

Спектакл режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов актёрларга ижодий эркинлик бериб, асарнинг асосий ғоявий юкини янада кучайтиришга эришган. Хусусан, А.Отабоев, Д.Узоқов, Т.Пиржонов, М.Отажонова, Д.Иброҳимова, Н.Ҳолиқова, У.Шодмонов ва бошқа актёрларнинг маҳорати томошабин диққатини бир зум ҳам чалғитмайди.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси уюштирган жамоатчилик кўригида адабиётшунос ва театршунос олимлар Эркин Самандаров, Тоир Исломов, Наим Каримов, Шуҳрат Ризаев, Нодирбек Сайфуллаев ва бошқалар спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисида фикр билдирдилар.

А.РАҲИМОВ,
"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да ишлаб юрган кезларим. "Самарқанддан яхши санъаткор чиқибди, овозида севимли артистимиз Ботир Зокировнинг нафаслари бор", деган гапни эшитганимда юрагим ҳапқириб йўлга тушгандим. Кўп ўтмай ёш санъаткор Жаводбек Козимов ҳақида "Ихтиёринг олсин муҳаббат" сарлавҳали мақолам эълон қилинди. Шунга ҳам роппа-роса 18 йил бўлибди. Кейинги йилларда бу санъаткор қандай ишлар билан банд экан, деган саволлар мени қизиқтирарди. Яна йўлга тушдим. Жаводбекни излаб топишим қийин бўлмади. Мақолам қаҳрамони айни дамда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети педагогика факултетининг мусиқий таълим бўлимига раҳбарлик қилаётган экан. Мусиқа назарияси, тарихи ва анъанавий ижрочилик кафедрасида ёшларга сабоқ бераяпти. Суҳбатимиз тезда қовуша қолди.

— Орадан шунча вақт ўтибди-я, — *дейди Жаводбек.* — Ўшанда қалбимда санъатга бўлган меҳр-муҳаббат денгизи жўшиб суҳбатлашгандик. Кўплаб мақолалар ёздим, иккита услубий қўлланма устида тадқиқот ишларини олиб бордим. "Ал-илкис — жон малҳами", "Беҳбудий" тарихий фожеасига мусиқа басталадим. "Самарқанд байрами" театрлаштирилган фолклор саҳна асарига раҳбарлик қилдим.

— Шогирдларингиз ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Самарқанд бағрида кўплаб санъат дарғалари етишиб чиққан. Республикада хизмат кўрсатган артист Рустам Ҳожимаметов, Талъат Шобаратов, Шерали Ҳусенов каби санъаткорларга озми-кўпми меҳнатим сингганидан бахтиёрман. Бир кун келиб сени яхшилик билан эслагувчи шогирдларинг бўлгани яхши-да.

— Устоз сифатида сизни ўйлантириб келаётган муаммолар...

— Бугун санъатимизга гуррос-гуррос ёшлар кириб келмоқда. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида зўрмазўраки куйлаётганлар ҳам бор. Санъат аҳлини авваламбор худо ярлақаган бўлиши керак. Ҳозирги қўшиқчиларимиз орасида фонограммани суиистеъмол қилиш, компютервозлик қўлайиб кетди. Қардош халқларда учрайдиган "лезгинка" куйларига ўзбекча сўзларни қўйиб куйлашмоқда. Энг ачинарлиси, бундай қўшиқлар эртаю кеч тарғиб қилиняпти. Бундай ҳолатлар тингловчи дидини ўтмаслаштиради. Дастлаб кимгадир эргашиш мумкиндир, аммо ҳар бир санъаткорнинг ўз ижро услуби, йўли бўлиши керак.

— Сиз раҳбарлик қилаётган билим масканида бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Ҳар бир истеъдод юрт бойлиги. Кимдадир озгина бўлса ҳам талант борлигини сезсак, асраб-авайлаймиз. Кафедраларимизнинг 30 га яқин профессор-ўқитувчилари 120 нафардан зиёд талабаларга мусиқа илмидан дарс беришяпти. Кўплари "Санъаткор", "Оҳанг", "Созанда" каби илмий тўгаракларга жалб этилган. Ўзимга келсак, бирқанча халқ қўшиқларини факултет қошида ташкил этилган "Гулдаста" хор жамоаси учун мослаштирдим. Бугун жамоа "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Ниҳол", "Хазина" каби танловларда фаол қатнашмоқда. "Жон Самарқандим", "Сен менинг ватанимсан", "Бор бўлсин муҳаббат", "Рашк айлама" сингари ўнлаб ўзбекча, тожикча, эронча қўшиқларим тингловчиларга манзур бўлаётганидан хурсандман.

— *Мудом эл хизматида бўлган хушовоз санъаткор Жаводбек Козимовга янги ижодий парвозлар тилаймиз.*

Дилором ИСМОИЛОВА

ЯНГИ ЖУРНАЛ

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа соҳалар қатори кино санъатимиз ҳам дунё миқёсида эътироф этила бошланди. Бир қатор филмларимиз халқаро кинофестивалларда муносиб баҳоланмоқда. Давлатимиз ҳомийлигида кўплаб филмлар суратга олиниб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шу билан бирга, киночилар олдида ҳали катта ишлар, эзгу мақсад ва вазифалар ҳам турибди. Хусусан, ўзбек миллий киноси тарихини, бугунги ҳолатини, ютуқ ва камчиликларини ёритувчи, кино ижодкор ва кино мухлиси ўртасида мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи даврий нашр чоп этишни йўлга қўйиш зарурати бор эди.

Илк сони ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган "Cinema MAGAZINE" бу ниятни амалга оширишда айни муддао бўлди. Айниқса, "Ёшлар йили"да ёш ижодий гуруҳ томонидан халқимизга кино журналининг тақдим этилиши эътиборлидир. Журналга ёзилган сўзбошида таъкидлаб ўтилганидек, асосий мақсад ўқувчиларни миллий кино санъатимиз ва жаҳон киносидаги жараёнлар, сўнгги янгиликлардан хабардор қилишдир.

Ўзига хос дизайни билан ўқувчига бир олам эстетик завқ бағишловчи журнал материалларининг ранг-баранглиги кино мухлисларида жиддий қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Айниқса, ёш, истеъдодли актриса Дилноза Кубаева, таниқли санъаткор Ёдгор Саъдиев, дубляж усталаридан Камолиддин Усмонов, режиссёр Ёлқин Тўйчиев билан суҳбатлар, ҳинд кино ижодкорлари ҳаётидан лавҳалар, Мел Гибсоннинг "Апаколипто" филми ҳақидаги материаллар эътиборни тортади. "Мафтунингман" филмининг 50 йиллиги муносабати билан берилган суратлар ва филмнинг DVD диски мухлислар учун кутилмаган совға бўлган.

Миллий Матбуот марказида "Cinema MAGAZINE" журналининг тақдимоти бўлди. Кино арбоблари бирлашмаси раиси Турди Нодиров олиб борган ушбу маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллари, таниқли киношунослар ва кино санъати мухлислари қатнашдилар.

ЁМОН ХУЛҚНИНГ ИЛДИЗИ

Маънавият сабоқлари

"Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил, Нолойиқ ишлардан олисга кетгил". Шарқнинг буюк донишманд шоири Абулқосим Фирдавсий шундай деган. Умуман, ақл билан идрок этиш ғояси шарқ халқлари ҳаётида қонуниятга айланиб қолган. Фаридиддин Аттор, Абу Али Ибн Сино, Абу Шукур Балхий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хисрав, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккир шоирлар бу пурҳикмат ғоянинг фаол тарғиботчилари бўлишган, халқни ақл-идрок билан яшашга ундашган.

Донишманд шоирларимиз қолдирган бой маънавий мерос билан танишсангиз, жаҳон бошдан оёқ ҳикмат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу ҳикмат замонлар ўтиб, ота-бобларимиз ақлу шууридан дурдона боғлаб бизгача етиб келди. Энди биз бурчимизни адо этиб, ўтган улуғларнинг руҳларини шод этишимиз зарур.

Албатта, ақл-идроксиз хатти-ҳаракатлардан, яъни нодонликдан ҳеч ким кафолатланмаган. Ҳар қандай одам нафақат ўз хулқ-атворидан, балки вазиятдан келиб чиқиб ҳам идрок этолмай қолиши мумкин. Ана шундай пайтда ҳам нодонликни донолик билан енгадиган одамлар бор. Улар ўтмишда ҳамиша дунёнинг устунлари — ҳаёт ва жамиятнинг фахри бўлиб келишган, ҳозир ҳам шундай. Улар бор экан, иймон-эътиқод ва маънавият мустаҳкам. Улар идрок этишаётган экан, Ватан миллат ва миллий қадрият тушунчалари муқаддас. Улар ақл билан иш юритаётган эканлар, бунёдкорлик, яратувчанлик ва тараққиёт бор.

Бироқ инсон борки, нодонлик ҳам бор. У турли кўринишда намоён бўлади. Жаҳолатпарастлик, ёлғончилик, қасамхўрлик, мунофиқлик, мансабпарастлик, ёмон ҳулқ, катта ёшли инсонларга ҳурматсизлик, гап уқмаслик, иғво ва фисқу-фасод каби кўринишлар ҳаётда кўп учрайди.

Нодонлик эрур элда маломатга далил,
Доно улус олдида хижолатда далил
дейди Алишер Навоий. Нодон инсон ҳеч қачон ўз нодонлигини англаб етмайди. Унинг ғофиллиги шундаки, ақл-идрок билан фикрлаш қобилиятини йўқотади. Бироқ элда маломатга қолади, бошқалар эса бундан хижолат чекадилар.

Аслида инсондаги барча салбий хислатлар нодонлик кўринишида намоён бўлади. Шулардан бири — қасамхўрлик. Бу дарднинг давоси йўқ. Ундан фақат қочиб қутуласиз. Қасамхўр оқни қора, қорани оқ, ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ деб тураверади. Ёки, сурбетлик билан ёлғон гувоҳликка ўтиб, кўрганини кўрмаганман, кўрмагинини кўрганман, билганини билмаганман, билмаганини билганман, деб ҳаммани чалғитади.

Ҳозир ҳаётда нодонликнинг бошқа бир хунук кўриниши намоён бўлмоқда. Агар бирорта мансабни эгалласангиз, эгилиб, энкайиб, қуллуқ қилиб атрофингизла гирдикапалак бўладиганлар кўпайиб қолади. Ўринсиз илтифотлардан жуда ноқулай аҳволга тушиб қоласиз. Энди агар мансабдан тушсангиз, ўша кун ва ўша дақиқадан бошлаб ўша одамларнинг ўзлари саломлашиш тугул, сиздан юз ўгиришади. Йиғилиш, марака-маросим ва жамоат жойларида кўриб кўрмаганга олади, мабодо қаршингиздан келаётган бўлса бурилиб кетади.

Афтидан, бундайлар қадимда ҳам бўлган. Абдураҳмон Жомий ушбу ҳикматли гапни бекорга айтмаган:

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам.

Демак, мансаб эмас, уни муҳтарам қилган одам муҳим. У ёши улуғ, эл-юртга хизмати синган, обрўли, устоз, ота ёки ака даражасидаги одам бўлиши мумкин. Унга муомала-муносабат шунга яраша бўлади. Фақат ғаразли мақсадни ва қандайдир манфаатни кўзлаб муомала қилиш нодонликдир. Бундай одамларда уят, андиша, ор-номус қули бўлиб қолишади.

Одатда, мансабда ўтирган одамларнинг бундай тоифадаги дўсту-ўртоқлари кўп бўлади. Уларга Носир Хисравнинг ушбу ҳикматли гапини эслатиб қўймоқчимиз:

Нодон бўлганидан сенга дўст-ўртоқ,
Донодан душманинг бўлгани яхшироқ.

Гап уқмаслик ҳам ёмон одат. Ундай одам ўз билганидан қолмайди. Унга ҳеч нарсани уқтириб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди. Панд-насиҳатлар, илтимослар, танбеҳлар кор қилмайди. Саъдий Шерозий айтганидек, унга "оламнинг насиҳати ғалвирдаги сув мисол". Баъзилари тинглаш ўрнига ғазабланиб кетишади. Уларни фақат босиқлик ва муроса йўли билан енгасиз.

Тўғриси, баъзиларимиз арзимаган сабаблар боис тез ғазабланамиз-да, сўнгра аслимизга қайтолмасдан узоқ вақт азобланиб юрамиз. Аслида бу ҳам нодонликнинг бир кўриниши. Шунинг учун ҳам ўринсиз ғазабланишдан тийилиш — ироданинг кучига боғлиқ малҳамдир. Бу малҳам инсонни бировни тинглашга ва муроса қилишга мажбурлайди.

Шак-шубҳасиз, ғазабдан тушмаган инсон жаҳолатга шерик бўлади ва бунинг оқибатини тасаввур этиш қийин эмас. "Жаҳолат аҳли билан қурма суҳбат, етар ҳам дам бу ишдин жонга заҳмат" дейди Носир Хисрав. Аввало, ўша инсоннинг ўзига заҳмат етади. Уни нафақат соғлигидан ёки мол-мулкидан, балки яқинларидан, яъни қариндош-уруғларидан, дўстларидан, ҳамкасбларидан айириши мумкин.

Қандай кўринишда бўлмасин, аслида нодонлик инсоннинг хатти-ҳаракатидаги бемаъниликдир. Бемаъниликни эса оқлаб бўлмайди. Бироқ бемаънилик қилган одам ўзини доно ҳисоблайди. Кўпинча ҳаётда асл доно билан нодонлик тўқнашган пайтда донолик чекиниш билан ғалаб қилади. Нодонлик эса чекинишни мағлубият деб билади ва ўз нодонлиги билан "ғалаба" қилади. Шунинг учун ҳам улуғ донишмандлар ва мутаффаккирлар нодонликни қаттиқ қоралаганлар. Жумладан, Абдуқодир Бедил: "Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур" деса, Абдурахмон Жомий: "Доно тирикдир, ўликдир нодон" дейди.

Инсон ёмон хулқ билан туғилмайди. Уни ҳаётдаги, оиладаги ва ён-атрофдаги муҳит тарбиялайди. Бундай муҳитни ота-она, дўст-биродар ва жамоатчилик яратади. Инсон ўқиши, ишлаши, яшаши жараёнида кимлар билан қандай муҳитда муносабатда бўлган бўлса, ҳаммаси йиғилиб унинг хулқини шакллантиради. Агар биз атрофимиздаги инсонларнинг ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатларига мутлақо бефарқ муносабатда бўлсак, нодонлик учун кенг йўл очган бўламиз. Шунинг учун бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Иброҳим НОРМАТОВ

Омон МУХТОР

ДЎСТ-БИРОДАР БИЛАН ОШНА-ОҒАЙНИНИНГ ФАРҚИ

Ҳазил оҳангида

Мураккаб бир масалада бошингизни қотирмоқчиман. Олимларимиз бизга айтишган:

— Ёзувчи билан танқидчи дўст-биродар бўлмагани дуруст. Одамнинг юзи иссиқ. "Четроқ"да турмасдан, асарга холис баҳо бериш қийин.

Адиб билан адабиётшуносни қўйинг, ёзувчилар орасидаги ўзаро ошна-оғайнигарчилик ҳам кўпинча яхшиликка олиб бормаган. Бу эски тарихдан маълум. Адабиётда холис баҳо йўқолган, холос.

Лекин дунёда ҳамма нарса табиий. Ёзувчи билан танқидчи нега дўст-биродар бўлмаслиги керак? Бу ошна-оғайнигарчиликка айланиши шарт эканми? Наҳотки, гап самимиятда эмас, бирибирига яқин ёки бири-биридан узоқ "масофа"да эканида бўлса?

Худога шукур, кундан-кунга ҳатто йигирма йил бурун унча кўринмаган янги муносабат шаклланиб бораяпти, ошна-оғайнигарчиликнинг томири қирқилиб, барча адиблару адабиётшунослар ёппасига дўст-биродарлик либосига ўраняпти. Шу боисдан, ҳозир танқидчи ёзувчини дўппослаганида ҳам, мушти орқасида кўзлари меҳрибон порлаб туради. Ёзувчи, ўз навбатида, зарбаларга ноилож табассум билан бепарво қарашга ҳаракат қилади. Нуқул мақтов кутмайди. Холис баҳо бериш учун танқидчи нақадар азобланаётганини тушунади. Замон киши ишонмайдиган даражада ўзгарганини кўрмайсизми!

Қисқаси, адабиёт бобида давраларда кўп суҳбатлашиб юрадиган пайтим эди, Шукур Холмирзаев:

— Бир йигит бор. Қозоқбой. Низомийда дарс беради. Адабиётни нозик ҳис этади, — деб икки-уч айтгандек бўлди. Мен Қозоқбой Йўлдошевни яхши танимас, билмас эдим... Орадан маълум муддат ўтиб, унда-бунда кўришдикмийўқми, бир адабий йиғинда Қозоқбой минбарга кўтарилди. Насрий асарлар ҳақида сўзлаётиб:

— Ўтган йилги романлардан ҳалиги "Тепаликда..." нима эди, ўша бутунроғи, — деди.

У гарчи "Тепаликдаги хароба" романини мақтаган бўлса-да, менга фикр ифодаси оғир ботди. Сўзга чиққанимда:

— Олим киши бундай "ҳалиги"лаб гапирмайди, — дедим. Бу кичик ҳолатни эслаганимга сабаб... "Ўзбек адиблари" китобининг бир нашрида мазкур роман номи "Тепаликдаги одам" тарзида хато босилган экан. Кейинги нашрда тузатилди, бироқ у ер-бу ерда ўша хато "рўпарамдан" чиқади. Ёки умримдаги бир сана қачондир нотўғри ёзилган экан, йиллар давомида қутулолмайман. Арзимаган чалкашлик рўй берса, бас, судралиб юраверади! Биров "Ҳалиги тепалик" деб "ёпишиб" олмаслигига кафолат беролмайсан. Муҳими, ўз ҳурматимдан ҳам кўра кўпроқ Сўзнинг Ҳурматини ўйлайман.

Қозоқбой иккимиз шундай, бир-биримизни "сал туртиб" танишганмиз.

Вақти келиб қадрдонлашдик. Унга меҳрим тушди.

Эсланган ҳолатни энди бошқача шарҳлаш мумкин. Ўшанда Қозоқбой азбаройи нодонлик, атай олифталиқдан "бетартиб" гапиргани йўқ. У босиқ юриштуриши, ўйчан, вазмин сўзлашига зид, ичида "ҳаяжонли-эҳтиросли олам"ни "сақлаб қолган". Умуман, унинг табиатида қунт баробарида, бироз дарвешона бепарволик бор.

Шукур ака айтганидек, адабиётни нозик ҳис этиш!

Қозоқбой ҳозир домла бўлган Миллий университетда ўтган йиғинлардаги маърузаларини эшитиб, бунга қаноат ҳосил қилганман.

Бошқа жойлардаги мулоқотларда ҳам.

Унинг таниш-нотанишга муносабати беғубор, самимий. Баъзан "деҳқонча". Адабиётшунос олим учун керак билим, меҳнатдан ташқари, сўзида, ёзганларида Худо берган ақл, дид-фаросат яққол кўринади... Гоҳ-гоҳ тушунмаганидан эмас, кўнгли ачиб, бировларни (балки, мени ҳам) ортиқча мақтаб юборади. Бироқ бу "раҳмдиллик" қайси адабиётшуносда учрамайди! Холис баҳо беришни истагандан ҳар кимга тирғалиб, кунора "дор остига" боравермайсан-ку...

Адабиёт — санъат тури бўлганидан, аслида ёзувчилик ҳам — устачилик. Бир нарса юзага келгач, атрофдагилар фикрини билгинг келади. Икки-уч асаримни қўлёзмада Қозоқбой Йўлдошевга ўқитиб олганман. У ҳар гал асарни меҳр билан, аммо шу қадар чуқур таҳлил қилганки, унинг мулоҳазалари бўйича қайта кўриб чиққанман ва ундан миннатдор бўлганман.

Дарвоқе... Қозоқбой кўпинча "оға" деб мурожаат қилишига қарамай, биз ошна-оғайнигарчилик қилмаймиз. Бизда бунга на ортиқча вақт, на имкон, на хоҳиш топилади.

Биз фақатки, катта даврада юрган дўст-биродарларимиз.

Ўзим ўқийман

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғасининг энг яхши эскизи бўйича танлов эълон қилади.

ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси эскизининг энг яхши мавзу, расм ва фотосуратини аниқлаш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги бадиий кенгаш танловга топширилган ишларни кўриб чиқиб, бадиий савияси талаб даражасида бўлган энг яхши учта ишни — мавзу, расм ва фотосуратни танлаб олади.

ТАНЛОВГА ЮБОРИЛАДИГАН ИШЛАР:

Бадиий композицияни назарда тутган ҳолда, эскизлар ўлчами 1х4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30х42 мм; 42х30) келиб чиқиб, ватман қоғозга акварелда чизилган бўлиши лозим.

Қадимий ва замонавий Тошкентнинг бадиий асл фотосуратлари кичик варақлар, тўпламлар ва 1:4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30х42 мм; 42х30) келиб чиқиб почта маркалари ҳосил қилиш учун қўшимча равишда рақамли файллар — CD-R, CD-RW, ZIP-100, FLash Card да топширилиши керак.

Танловда рассомлар ва фотографлар қатнашиши мумкин.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ:

Танловга ҳавола этиладиган ишлар жорий йилнинг май-июл ойларида қабул қилинади.

Танлов ғолиблари жорий йилнинг август ойида аниқланади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси жорий йилнинг ноябр ойида тайёрлаб босишга топширилади.

Тошкент — 2200 йил

ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси эскизларини тайёрлаш танловида иштирок этиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолибларга шартномага асосан муаллифлик мукофоти берилади.

Танлов ҳайъати график қоғозлар ва суратларни жорий йилнинг 1 августигача қабул қилади. Эскизларни олиб келиб топшириш ёки почта орқали юбориш ҳам мумкин. Фақат "Танловга" деб ёзишни унутманг!

Танловга қатнашишни хоҳловчилар ўзлари ҳақида қуйидаги маълумотларни маълум қилишлари керак: исми, фамилияси, уй манзили, боғланиш учун телефон рақами.

Ташкилий қўмита манзили:

Тошкент шаҳри, 100011, А. Навоий кўчаси 28-В, "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти "Ўзбекистон маркаси" филиали.

Маълумот учун телефонлар: 233-70-33 ёки 232-00-33.

ЮЛДУЗЛАР

Офтоб ўчиб,
Кетди кундуз.
Қўкка кўчиб
Чиқди юлдуз.
Нурин тараб
Кенг осмонга,
Юлдуз қараб
Мен томонга,
Жимир-жимир
Этиб кулар,
Мен-ла суҳбат
Қурмоқ бўлар.
Кел, юлдузжон,
Гаплашамиз,
Бўлиб шодон
Куйлашамиз:
Осмон бўлсин
Тўла юлдуз,
Уни кўриб
Қувонсин кўз.
Ўхшаймиз сенга
Ўзимиз.
Биз ҳам ернинг
Юлдузимиз.
Оналар-чи
Бизни шундан,
Юлдузим деб
Севар дилдан.
Барча юлдуз
Бўлсин омон,
Бўлсин замин,
Бўлсин осмон!

БОЛАРИ

Зув учасан, болари,
Зув қўнасан болари.
Гуллардан асал йиғиб
Келтирасан бол ари.
Бол деб олис йўлларни
Босиб ўтасан чаққон,
Саралайсан гулларни,
Кезасан боғ, хиёбон.
Олиб аъло нав шира,
Маконингга келасан.
Тартибу қоидангга
Доим амал қиласан.
Учасан зува-зува,
Тинмай асал йиғасан.
Сўнг уни коса-коса —
Бизга тортиқ этасан.
Болингдан тотиб кўрсам,
Тилни ёрар оҳ, мазза.
Ширинликда тенг келмас
Асалга ҳеч бир нарса.
Бир асалмас инсонга
Заҳринг ҳам дерлар даво.
Кимки сенга чақтирса
Албат топаркан шифо.
Ушбу гапга йўқ гумон,
Бу ҳам ахир ростдир, чин.
Мендай соғлом болани
Боларижон, чақмагин!

ШАМОЛНИ ЧАҚИРИШ

Шамолжон, шамол,
Тезроқ кела қол,
Ҳаво мунча дим,
Қилт этмас барг, жим.
Кетдик биз исиб,
Сен қайда писиб,
Ётибсан ухлаб,
Уйғон ва пуфлаб
Бер салқин ҳаво —
Бизга хўп даво.
Кокилларинг ёз,
Рақсга тушгин, соз
Эсиб тур, ҳур-ҳур,
Дилга бер ҳузур.
Ўйнайлик яйраб,
Қўшиқлар куйлаб,
Сени мақтайлик,
Суюб олқайлик.
Шамолжон, шамол
Келгин, кела қол!

Ғулом ШОМУРОД

ҲАЙРАТ

Шайҳонтоҳур тумани Тошкент иқтисодиёт коллежи томонидан 2004 йилда Маматмуродов Шавкат Омонович номига берилган К №066428 рақамли диплом йўқолганлиги сабали **бекор қилинади.**

* * *

Дочернее предприятие "TSM GIDROMASH" расположенное по адресу: Хамзинский район, ул. Мусаханова, дом 2, ликвидируется.

Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел. 767-98-99

* * *

Дочернее предприятие "TOSHQISH-LOQMASH XIMEPLAST" расположенное по адресу: Хамзинский район, ул. Хамза, дом 2, ликвидируется.

Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел. 767-98-99

* * *

СП ООО "UZBELDIZEL", зарегистрированное в Министерстве юстиции Республики Узбекистан за № 1320 от 25.08.2006 года (ИНН — 206774396, ОКОНХ — 14410) сообщает, о выходе из состава учредителей 2-х иностранных учредителей и уменьшении Уставного со 150 000 долларов США до 61 631 доллар США.

Претензии принимаются в течении 1 месяца по телефону: 298-49-95.

МУКОФОТ ПУЛЛАРИ ҚАНЧА?

Бир ҳафтадан буён Австрия ва Швейцария яшил майдонларида Европа чемпионати — катта футбол байрами давом этмоқда. Шиддатли кечаётган учрашувларда Португалия терма жамоаси чорак финал йўлланмасини нақд қилиб қўйган бўлса, мусобақа мезбони Швейцария Туркия терма жамоасидан аламли мағлубиятга учраб, кейинги босқич йўлланмасидан маҳрум бўлди... Иккинчи давра учрашувлари, ҳар доимгидек, кучлиларни бирин-кетин саралаб бермоқда.

Барча йирик мусобақаларда бўлгани каби Евро — 2008да ҳам қайси жамоа қанча мукофот олиши кўпчиликни, ҳатто майдонда тўп сураётган футболчилару мураббийларни ҳам қизиқтириши табиий. Терма жамоа шарафини ҳимоя қилиш ўз йўлига, лекин моддий манфаатдорлик ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Масалан, Россия терма жамоаси футболчилари гуруҳ баҳсларидаги ҳар бир ғалабаси учун 10 минг евродан мукофот олади. Агар жамоа чорак финалга чиқса, мукофот миқдори олти баробарга кўпаяди. Россия футбол уюшмаси Молия департаменти берган хабарларга кўра, уюшма футболчиларнинг чемпионатдаги ҳар бир ғалабаси учун UEFAдан миллион евро, дуранг қайд этилса 500 минг евро мукофот пули олади(нафақат Россия, мусобақада иштирок этаётган қолган жамоалар ҳам тахминан шунча миқдорда мукофотланади). Пулларнинг тенг ярми уюшма ҳисобига ўтказилса, қолган қисми 23 футболчи, маъмурлар, менежерлар, массажчи ва шифокорлардан иборат терма жамоанинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

Чемпионат мезбонларидан бири Австрия терма жамоаси мураббийи Йозеф Хиккерсбергернинг мусобақа аввалида мамлакат футбол уюшмаси билан тузган шартномага кўра, олтмиш ёшли бу мураббий жамоа гуруҳ баҳсларида ғолиб чиқса 100 минг евро, яримфинал йўлланмасини қўлга киритса 150 минг евро, финалгача етиб келса 250 минг евро мукофот пули олар экан. Агар Австрия гуруҳда қолиб кетса, мураббийга ҳеч қандай мукофот берилмайди. Аксарият футбол мутахассислари Йозеф Хиккерсбергерга ишончсизлик билдиришмоқда. "Кўпчилик бизни чемпионатнинг асосий аутсайдери сифатида баҳолашмоқда. Лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, биз барчани ҳайратга солиб мусобақанинг энг кучли жамоаларидан бирига айланамиз. Австрия терма жамоаси ажойиб жисмоний тайёргарликка эга", дейди мураббийнинг ўзи.

Хорватия миллий футбол федерацияси президенти Влатко Маркович терма жамоа мусобақада ғолиб чиқса, ҳар бир футболчига 300 минг евродан мукофот пули ваъда қилган.

Эслатиб ўтамиз, UEFA кубогида ғолиб чиққан Россиянинг "Зенит" жамоаси футболчилари яримфинал ва финалдаги ғалабаси учун жами бир миллион евро билан мукофотланганди. Бу ёғини энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг...

Жамшид МАТЁҚУБОВ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси жамоаси Д.Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ҳикмат Ражабовга опаси **Хурсанд АҲМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-81-52
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 233-81-52

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.50.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 5611. Буюртма Г — 548. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН